

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ДАВЛАТОВА АДИБА РАХМАТОВНА

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК ТАФАККУР
ТАДРИЖИ**

10.00.02- Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on
Philological Sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
филологическим наукам**

Давлатова Адиба Рахматовна

Абдулла Орипов шеърятда поэтик тафаккур тадрижи.....3

Давлатова Адиба Рахматовна

Эволюция поэтического мышления в поэзии Абдуллы Арипова.....33

Davlatova Adiba Rakhmatovna

Evolution of poetic thinking in Abdulla Aripov's poetry.....64

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works68

Список опубликованных работ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ДАВЛАТОВА АДИБА РАХМАТОВНА

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК ТАФАККУР
ТАДРИЖИ**

10.00.02- Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Fil237 ракам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус(резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.navoi-uni.uz) ва "Ziyouet" Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Милиев Сувонкул
филология фанлари доктори

Каримов Баходир Нурметович
филология фанлари доктори, профессор

Афокова Нодира Махмудовна
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация химояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc/03/30/12.2019/Fil.19.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "15" 02 соат 17⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил:100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-12-44. (www.navoi-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ ракам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-12-44. (www.navoi-uni.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "03" 02 куни тарқатилди,
2022 йил "03" 02 даги 1- ракамли реестр баённомаси)



Ш.С.Сирожидинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д., доцент

У.Х.Жўрақулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., доцент

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида муайян миллатга мансуб феноменал ижодкорларнинг асарлари, миллий ва дунё бадиий-эстетик тафаккури такомилга қўшган хиссаси, адабий мероси, умуминсоний аҳамиятга эга ғоялари, ижодий лабораторияси юзасидан кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, ўзбек адабиётида ҳам ҳодиса сифатида тан олинган, асарлари миллатнинг ўзлигини акс эттирувчи, адабий-эстетик, ахлоқий ва ижодий концепцияси кейинги давр адабиётининг йўналишини белгилаб берадиган шоир ва ёзувчиларнинг поэтик тафаккур тадрижини комплекс тадқиқ этиш долзарб илмий муаммолардандир.

Дунё адабиёти мундарижасида туркий халқлар, жумладан, ўзбек адабиёти ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу адабиёт баайни миллат тарихи сингари қадимий ва бой экани билан алоҳида ажралиб туради. Туркийларнинг кечмиши, халқ ва давлат сифатида босиб ўтган йўли, турмуш ва тафаккур тарзидаги бирда сокин, бирда зиддиятли вазиятлар албатта адабиёт намуналарида ўз ифодасини топди. Шундай қилиб, халқ тимсоли ўлароқ шаклланган образлар, кўнгил кечинмаларидан иборат сатрлар, хурлик ва комиллик орзуси, Ҳақ ва ҳақиқатга интилиш, инсониятни нажотга чорлаш каби мотивлар миллий адабиётнинг асосий белгилари сифатида барқарорлашиб борди. Қолаверса, жаҳон адабиёти тажрибаларидан баҳрамандлик натижасида ўзбек адабиётида янги тур ва жанрларнинг истифода этилиши, ижодкор, асар табиатида ҳам ўзгаришларга замин яратди.

Ўзбек адабиёти миллий ва умумжаҳон бадиий-эстетик тажрибалари асосида, шунингдек, замон ва макон тақозосига кўра ижод майдонига кириб келган шоиру ёзувчилар асарлари орқали янгиланиб борди. Айниқса, XX аср бошларида нодир истеъдод эгаларининг қатағон этилиши миллий адабиёт тараққиётига соя солди. Кейинчалик адабиёт табиатига турли “изм”ларни мажбурий сингдириш сохтакорлик ва шиорбозликка йўл очди. Адабиёт реал ҳаётни, инсон кўнглини акс эттириш, самимиятни ифодалаш вазибаларидан узоқлаштирилди. Лекин шунга қарамай, ҳақиқий истеъдодлар етишиб чиқди. Жумладан, ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётда яшасинчилик руҳи ҳукмрон бўлган бир кезде Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов сингари салоҳиятли ижодкорлар миллат бадиий-эстетик тафаккурини янги боқичга кўтарди. Айниқса, Абдулла Орипов шеърлятида миллийлик, инсонни турли ракурсларда, турли образ, жанр ва рамзларда тасвирлаш бош адабий мезон даражасига кўтарилди. Чунки “Абдулла Орипов ўзбек адабиётини янги боқичга кўтарган нодир истеъдод эди. Унинг юксак бадиий, теран фалсафий шеърлари халқимиз кўнглидан чуқур жой олган. Драматик ва публицистик асарлари, дoston ва таржималари адабиётимиз ривожига улкан хисса бўлиб қўшилган. Абдулла Орипов Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясининг муаллифи сифатида

халқимиз қалбида мангу яшайди”¹. Шу нуқтаи назардан, Абдулла Орипов феномени, шеърляти, поэтик тафаккур тадрижи динамикасини бадий, қиёсий-типологик, фалсафий, психобиографик, статистик таҳлил йўналишлари орқали баҳолаш илмий зарурат тақозосидир.

Абдулла Орипов шеърлятининг мавзу кўлами, шоир кўллаган образ ва жанрлар, адабиётга олиб кирган янгиликларни комплекс тадқиқ этиш диссертация мавзусининг долзарблигини таъминлайди. Чунки шоир лирикаси миллат ва жамият тарихи, эстетик идеалининг бадий инъикоси ўлароқ ўзбек бадий-эстетик тафаккури юксалишида алоҳида бир даврни ташкил этади. Шу жиҳатдан, шоир шахсияти ва истеъдодини мужассам этган лирикасининг моҳиятини комплекс ўрганиш, ижод лабораториясини илмий-назарий асосда текшириш, поэтик тафаккури эволюциясини илмий баҳолаш бугунги адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ – 2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ – 2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ– 3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2020 йил 2 декабрдаги ПҚ-4906-сон “Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» 124-Ф-сон мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Замонавий шеърлятда поэтик тафаккурнинг шакл, мазмун ва образдаги талқини масалалари жаҳоннинг етакчи фан ва таълим марказларида, хусусан, Ankara Universitesi, Istanbul Universitesi (Туркия); Oxford, Kембридж

¹Мирзиёев Ш. Одамлар яхши яшаши учун зарур шароитлар яратиш – барча раҳбарларнинг асосий вазибасидир. //Халқ сўзи, 2017 йил 28 февраль.

университетлари (Буюк Британия); Aligarh Muslim University, Delhi University (Ҳиндистон); Azərbaycan Milli elmlər akademiyası Nizami adına adabiyat institutu (Ozarbayjon); Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия); Институт Востоковедение АН Украины им. А. Крымского (Украина); Институти забон, адабиёт, шарқшиносӣ ва мероси хатти ба номи Рӯдакӣ (Тожикистон); ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат Шарқшунослик университети, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида олиб борилмоқда².

Дунё адабиётшунослигида глобаллашув муаммоларининг бадий талқини ва замондош образи тасвири, глобал ахлоқий-фалсафий муаммоларнинг киноявий танқиди каби масалаларнинг ижодкор поэтик тафаккур тадрижга таъсири юзасидан назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Оксфорд университети, İstanbul Üniversitesi, Gazi Üniversitesi, Azərbaycan milli elmlər akademiyası Nizami adına ədəbiyyat İnstitutu, Институти забон, адабиёт, шарқшиносӣ ва мероси хатти ба номи Рӯдакӣ, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети).

Жаҳон адабиётшунослигида ижтимоий воқеликнинг шоир поэтик тафаккури такомилга ва ўз навбатида, ижодкор тафаккурининг жамият маънавияти юксалишига таъсири масалаларига эътибор қаратиш, поэтик мазмун ривожига миллий руҳият тасвирининг ўрнини белгилаш, поэтик шакл янгиланишида индивидуал ижодий тафаккурнинг ўрни ҳамда фалсафий, психобиографик асосига аҳамият қаратиш долзарб илмий муаммолардандир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётида мазмун-моҳияти, юксак поэтикаси билан соф адабиётга, инсон ва жамият маънавиятига хизмат қиладиган, бадий тафаккурнинг янгиланишига туртки берадиган асарлар доимо адабиётшунослар диққат марказида бўлган. Муайян миллий заминда яратилган асарда умумфалсафий мушоҳадалар, руҳият, бадиият билан боғлиқ жиҳатлар мавжуд бўлар экан, унинг қамров даражаси кенгайиб боради. Дунёнинг кўплаб адабиётшунослари ижоддаги индивидуал хусусиятларнинг адабий ҳодиса сифатида қабул қилиниши, поэтик мазмун ва шакл такомиллидаги ҳиссаси борасида илмий кузатишлар олиб борганлар. Бадий асарларда мавзу, образлар эволюцияси, жанр хусусиятлари сингари илмий муаммонинг фундаментал асоси ва тадрижий

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://arts.unimelb.edu.au/nceis>; <https://www.westernsydney.edu.au>; <https://sllc.umd.edu/persian/about>; <http://nelc.uchicago.edu>; <https://nelc.osu.edu>; <http://ut.ac.ir>; <http://www.um.ac.ir>; <https://www.amu.ac.in>; <http://www.du.ac.in/du>; <http://www.istanbul.edu.tr/tr>; <https://www.ankara.edu.tr>; <http://gazi.edu.tr>; <https://www.orientalstudies.az/ru>; <http://literature.az/?lang=aze>; <http://www.kaznu.kz/ru>; www.iaas.msu.ru; <https://www.ivran.ru>; <https://spbu.ru>; www.orient.spbu.ru/ru; <http://www.orientalstudies.ru>; <http://oriental-studies.org.ua/uk/home>; <http://zoa.dmt.tj>; <http://iza.tj/ru/institutyazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-im-rudaki>; <http://tashgiv.uz/ru/>; <http://navoiy-uni.uz/uzk>; <http://www.samdu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

таракқиётини белгилашда жаҳон ва қардош халқлар адабиётшунослигида муайян илмий изланишлар олиб борилган.

Д.Н.Абрамян, Бахтин, Д.С. Лихачев, Б.В. Томашевский, Л.И. Тимофеев, И.В.Стеблева, Ян Парандовский, В.М. Жирмунский, М.Н. Эпштейн, Ю.М.Лотман каби олимлар томонидан поэтика, бадий ижод асослари, анъана ва янгилик, образ яратиш муаммолари ўрганилган³. Дунё адабиётшунослигида яратилган илмий тадқиқотлар ва назарий хулосалардан Абдулла Орипов адабий мероси моҳиятини ташкил этадиган ўзига хос жиҳатлар, мавзу ва ғояларни тадқиқ этишда назарий асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Ўзбек адабиётшунослигида шоир ижоди ҳақида кўплаб илмий мулоҳазалар, тадқиқот ва мақолалар эълон қилинган. Абдулла Орипов ижодга кириб келган илк даврлардаёқ шоир лирикаси юзасидан Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов⁴, академик Матёқуб Қўшжонов, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, филология фанлари доктори Сувон Мели сингари олимлар алоҳида тадқиқотлар олиб борган⁵. Шунингдек, Я.Қосимов, Б.Алиев, И.Тўлаков, Ж.Жумабоева, Н.Афоқова, Г.Ашурова, А.Ҳамдамов, О.Каримов, Г.Эрназарова, Г.Равшанова, М.Райҳоновалар диссертация иши доирасида шоир лирикасини тадқиқ этган⁶. Қ.Йўлдошев, Н.Жабборов, И.Ғаниев, Н.Афоқова, У.Жўрақулов, У.Ҳамдамов каби олимлар шоир ижодини турли аспектларда илмий таҳлил қилган⁷. Шунингдек, шоир билан

³Абрамян Д.Н. Общепсихологические основы художественного творчества. – М.: Б.И., 1994. – 321 с; Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – 504 с.; Введение в литературоведение / Под ред. Поспелова Г.Н. – М.: Высшая школа, 1988. – 527 с.; Боров Ю. Эстетика литературы. – М.: Наука, 2003; Эпштейн М.Н. Парадоксы новизны: О литературном развитии XIX-XX веков. – М.: Сов. писатель, 1988. – С.416; Лихачев Д.С. Избранные работы в трех томах. Том I. Поэтика Древнерусской литературы. – Л.: Художественная литература, 1987. Томашевский Н. Традиция и новизна. – М.: Художественная литература, 1981; Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1976; Парандовский Ян. Алхимия слова. – М.: Наука, 1972; Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. – Л.: Просвещение, 1972; Жирмунский В.М. Избранные труды. Теория литературы Поэтика Стилистика. – Л.: Наука, 1977.

⁴ Шарафиддинов О. Талант халқ мулки. // Шарқ юлдузи. 1979 й.; Шарафиддинов О. Инсон қалбининг манзаралари. // ЎзАС. 1981 й. 23 октябр.

⁵Шарафиддинов О. Шеърят қалб ёлкини // Ҳаёт билан ҳамнафас.- Тошкент, 1983. –Б.155-168; Қўшжонов М. Онажоним шеърят.- Тошкент, 1984; Ғафуров И. Шеърят-изланиш, курашчанлик демакдир.-Тошкент, 1984. Қўшжонов М., Сувон Мели. Абдулла Орипов.- Тошкент: Маънавият, 2000.

⁶Қосимов Я. Ўзбек шеърятинида поэтик фикрнинг янгилиниши: Филол. фан. номз... дисс. – автореф.-Тошкент, 1991; Алиев Б.Ҳозирги ўзбек шеърятинида психологизм проблемаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф.-Тошкент, 1994; Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини: Филол. фан. д-ри.. дисс. автореф.-Тошкент, 1994; Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърятинида психологик тасвир маҳорати: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф.-Тошкент, 1999; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар: Филол. фан. номз... дисс... автореф.-Тошкент, 1997; Раҳмонова М. Абдулла Орипов шеърятинида бадий бутунлик: Филол. фан. номз... дисс... автореф.-Тошкент, 1998; Ашурова Г. Абдулла Орипов шеърятинида анъана ва бадий маҳорат (образ, ғоя ва тасвир): Филол. фан. номз... дисс.. автореф.-Тошкент, 2008; Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеърятинида халқона поэтик тафаккур муаммоси. Филол. фан. номз... дисс.. автореф.-Тошкент, 2011; Каримов О. Абдулла Орипов шеърятинида метафорик образлар тизими. Филол.фан..номз...дисс. – Т., 2012; Эрназарова Г. Ҳозирги ўзбек шеърятининг медитатив табиати: Филол. фанлари д-ри.дисс. автореф. 2020; Равшанова Г. Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳорати. Филол.фан.номз...дисс. – Т., 2020; Райҳонова М. Абдулла Орипов шеърятинида оламни идрок этиш ва бадий воқеалантириш тадрижи. Филол.фан.номз...дисс. – Т., 2020

⁷ Йўлдошев Қ. Йўлдошев Қ. Сўз ёлкини. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018; Жабборов Н. Замон, мезон шеърят. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015; Ғаниев И., Афоқова Н. Озод рух фалсафаси. – Т.: Фан, 2007; Абдулла Ориф фалсафаси. –Т.: Muharrir, 2021. –307 б; Жўрақулов У. Армон

суҳбатда бўлган олим, файласуф ва адабиётшунослар томонидан ҳам бадиа⁸, хотира-эсселар нашр қилинган⁹.

Мазкур тадқиқотларда Абдулла Орипов шеъриятида поэтик тафаккур тадрижи масаласи алоҳида текширилмаган. Ушбу диссертация айни илмий муаммо монографик асосда комплекс тадқиқ қилингани билан бошқа тадқиқотлардан фарқ қилади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абдулла Орипов адабий меросининг комплекс текширилиши орқали шоир шеъриятида поэтик тафаккур тадрижи, ижодкор асарларининг психобиографик негизларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижодкор поэтик тафаккури ривожда халқ оғзаки ижоди ва мумтоз шеърят анъаналарининг ўрнини белгилаш;

жаҳон адабиёти бадий-эстетик тажрибаларининг шоир поэтик тафаккури такомилга таъсирини аниқлаш;

шоир шеърияти поэтик мазмуни такомилда фалсафий тафаккур ва миллий рух тасвирининг бадий-эстетик вазифасини текшириш;

шоир лирикасида поэтик шакл янгилинишида индивидуал ижодий тафаккурнинг ўрнини жанрлар кесимида ва шеърый шаклларга кўра илмий асослаш;

ижодкор назмида лирик қаҳрамон образининг поэтик такомилни қиёсий-типологик негизда далиллаш;

Ватан ва халқ образларининг поэтик янгилиниши муаммосини ўрганиш орқали шоир бадий маҳоратига баҳо бериш;

шоир поэтик тафаккурининг статистик ва психобиографик тадқиқини амалга оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абдулла Ориповнинг саккиз жилдлик танланган асарлари, сайланмаси, шунингдек, ОАВда чоп этилган ва вафотидан кейин нашрга тайёрланган асарлари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предметини Абдулла Ориповнинг 1957-2016 йиллар шеърятини комплекс ўрганиш, шоир шеъриятида поэтик тафаккур тадрижини халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт анъаналари, жаҳон бадий-эстетик тажрибалари контекстида текшириш, поэтик мазмун, шакл ва образ кесимида илмий асослаш каби масалалар ташкил этади.

талқинлари. /Худудсиз жилва. –Т.: Фан, 2006. –Б.143-151; Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърятини. – Т.: Адиб, 2012.

⁸ Кўчимов А. “Мен шоирман, истасангиз шу...” – Т.: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2018.

⁹ Эркаев А. Абдулла Орипов даҳоси. – Т.: Oltin nashr, 2021; Саидов А., Абдурахмонов Қ., Фулом Мирзо. Ўзбекистон – дилбар ватаним. – Т.: Akademnashr, 2021. – 480 б.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий, функционал, семантик-структурал, статистик, типологик ҳамда психобиографик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

поэтик тафаккур тадрижи масаласи ижод психологияси, ижодий лаборатория, лирик қаҳрамон ва шоир бирлиги негизда текширилиб, халқ оғзаки ижоди ва мумтоз шеърят анъаналари Абдулла Орипов поэтик тафаккури ривожининг адабий-эстетик асоси экани аниқланган;

шоир поэтик тафаккури шаклланиши ва тадрижида жаҳон адабиётининг роли масаласи текширилиб, “Юзма-юз” асари Софокл, Данте Алигъери, Шекспир сингари дунё эътирофига сазовор шоиру адиблар ижодида бўлгани каби тақдир, одам қадри, инсон камолоти каби азалий саволларга жавоб қидирилгани билан маънан яқин туриши далилланган;

Абдулла Орипов поэтик тафаккурида фалсафий, ижтимоий мазмун чуқурлаша боргани, шахсий ҳаёт воқелигидан ўзи яшаб турган жамият, глобал дунё муаммолари даражасига юксалгани, шунинг баробарида, шоир истеъдоди камолга етгани сари халқ даҳоси билан уйғунлашиб, халқнинг орзу-интилишлари, кўнгил кечинмаларини миллий руҳият ва бадиий тасвир мутаносиблигида ифода этгани аниқланган;

ижодкор асарлари мисолида вазн, жанр, банд, туроқ сингари поэтик шаклга асосланган бадиий тасвир воситалари, бадиий нутқ масалалари текширилиб, бир асарнинг ўнлаб матний ўзгаришлари, бир шеър ғоясининг турли версиялари, ўзига хос оригинал интертекстлар кўплаб учраши аниқланган, шоир шеърлятида кўп қўлланган кема, бекат, поезд каби образларнинг пайдо бўлиши, фалсафий мазмуни очиб берилган;

Абдулла Орипов шеърлятида лирик қаҳрамон образининг поэтик тақомили қиёсий-типологик негизда далилланиб, Ватан ва халқ образларининг поэтик янгилигида индивидуал ижодий тафаккурнинг ўрни далилланган;

шоир поэтик тафаккурининг статистик ва психобиографик хусусиятлари аниқланиб, ижод лабораторияси, шеър ишлаш техникаси, сўз қўллаш маҳорати, автоцензураси негизда қарийб олтмиш йиллик ижодий жараён динамикаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари илмий жамоатчиликни Абдулла Орипов лирикасининг барча қирралари билан таништиради, хусусан, шоирнинг ижодий концепцияси, лирикасидаги анъанавийлик ва янгилик, тафаккур тарзидаги фалсафий доктриналар, адабий мероси кўлами кўрсатилган;

шоир лирикасидаги туйғу самимияти, сатрлардаги бадиийлик мезонлари, мавзу танлаш ва образ яратишдаги маҳоратининг адабий-эстетик илдизлари ёритилган;

шоир қўллаган шеърый жанрлар тизимли ўрганилган, асарлар таҳлили орқали ижодкор феноменини белгиловчи психобиографик хусусиятлар аниқланган;

ижтимоий муҳит ва шоир, адабий муҳит ва шоир, тарихий шароит ва шоир, Ватан ва шоир, давр ва шоир каби вазиятлар, жараёнлар, тушунчалар контраст равишда ўрганилган ва шоир шахсиятидаги барқарор қарашлар очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хориж ва республика миқёсида илмий журналларда чоп этилган мақолалар, илмий-амалий конференцияларда ўқилган маърузалар, нашр этилган тезис ва мақолалар, ҳамда объектга илмий ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, объект сифатида олинган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Абдулла Орипов шеърлятига хос асосий тамойил ва хусусиятларнинг аниқлангани, шоир лирикасининг миллий ва умуминсоний аҳамияти, адабий меросининг кўлами монографик тадқиқ этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сифатида диссертация хулосалари ва тавсияларидан олий таълим муассасалари талабалари учун “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Янги давр ўзбек адабиёти”, “Бадий таҳлил асослари” каби фанлардан дарслик ва қўлланмалар яратиш, маъруза, амалий ҳамда семинар машғулотлари ўтишда, магистрлик диссертациялари ёзишда, маънавият асосларига доир маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абдулла Орипов шеърлятида поэтик тафаккур тадрижи мавзуси доирасида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

Абдулла Орипов поэтик концепцияси ва индивидуал ижодий тафаккурининг генезиси ва такомил босқичлари; шоир асарларининг илмий талқини, лирик меросининг ўзбек адабиётида тутган ўрни, фалсафий тафаккури тадрижи; шоир ижодий лабораториясининг хос хусусиятлари, шеър ишлаш техникаси, сўз қўллаш маҳорати, автоцензураси тадқиқи асосидаги қарийб олтмиш йиллик ижодий жараён динамикасига доир таҳлилий фикр ва хулосалардан ОТ-Ф1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7-жилд) чоп этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 6 декабрдаги 04/1-2446-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ўзбек шеърлятида поэтик тафаккур тадрижига доир илмий қарашлар, янги назарий маълумотлар билан бойитилган;

Абдулла Орипов поэтик тафаккури тадрижида Алишер Навоий ахлоқий-фалсафий ва ирфоний қарашларининг ўрни, шоир ғазаллари поэтикаси такомилда улуг мутафаккир бадий-эстетик қарашлари замин вазифасини

ўтагани ҳамда ижодкор шеърятти образлар тизими мукаммаллашувида буюк салафи ижод лабораториясидан олинган сабоқлар асосий омил бўлгани ҳақидаги илмий хулосалардан “ПЗ-20170926459 рақамли “Навоийшунослик тарихи” (XX-XXI асрлар)” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 9 декабрда имзолаган 04/1-2445-сон маълумотномаси). Натижада Абдулла Орипов поэтик тафаккури такомилда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий бадиий-эстетик қарашларининг синтезини аниқлашга доир илмий-назарий тамойиллар ишлаб чиқилган.

Абдулла Орипов шеъряттида глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи талқини, жамиятда илдиз отган шахссизлик (“Ранжком” достони), ижтимоий тармоқларнинг инсон омилига ноҳўя таъсири (“Интернет” шеъри), ахлоқий тубанлик танқиди (“Европа”) каби глобал муаммоларнинг киноявий танқиди билан боғлиқ илмий-назарий қарашлар ҳамда шоир шеъряттида миллий руҳ тасвири, ижодкорнинг ҳаёт фалсафаси талқинига доир индивидуал ёндашув концепцияси бўйича чиқарилган хулосалардан ОТ-Ф1-80 рақамли “Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректорининг 2021 йил 7 декабрдаги 04/1-2447-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек шеъряттида глобаллашув ҳамда фалсафий-ахлоқий муаммоларнинг поэтик талқини билан боғлиқ илмий-назарий қарашлар янгиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 32 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 таси республика, 3 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 242 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва

амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг “**Абдулла Орипов поэтик тафаккурининг адабий-эстетик илдизлари**” деб номланган биринчи боби дастлабки фаслида “**Ижодкор поэтик тафаккури ривожда халқ оғзаки ижодининг ўрни**” масаласи ўрганилган. “Поэтик тафаккур” истилоҳининг назарий талқини берилиб, шоир ижодида намоён бўлишига доир таҳлиллар амалга оширилган. Бу истилоҳни фанга француз олими Деррида олиб кирган. У фалсафа ва шеърининг ўзаро яқинлиги, матн тузилиши ва турларининг ўзига хослиги, таъсир қилиш ва яратиш моделларига доир тезисни илгари суради.

Дунё адабиётида поэтик тафаккур тадрижи масаласини олимлар ижод психологияси, ижодий лаборатория, лирик қаҳрамон ва шоир бирлиги асосида таҳлил қилишга аҳамият қаратади. Аслида, ҳақиқий ижодкор ўзидан олдинги анъанани инкор этмаган ҳолда, мутлақо янги мезон ва ёндашувларни адабиётга олиб киради. Бу эса бадиий адабиёт ва адабий жараён мазмунини ҳам бойитади. Халқ ижодиёти тамойиллари, қатъий анъанавий шакллари, турлари ва қисман баъзи образлари кейинги бадиий тафаккур тарзига таъсир кўрсатди. Матал, мақол, эртак, масал, кўшиқ жанридаги асарларда яхшиликка интилиш, ёмонликнинг жазоси муқаррар экани, Ҳақ ва ҳақиқатга тарғиб, табиат ва жониворларга шафқатли бўлиш ғоялари ўз ифодасини топган. Бу каби ижтимоий ва эстетик идеал ёзма адабиёт намуналарида турли жанр ва образларда намоён бўлди. Халқ оғзаки ижоди намуналарига хос мавзулар, эртак, достон, кўшиқ ва афсоналардаги мотив ҳамда сюжетлар, энг аввало, муайян миллат психологияси, тафаккур тарзи ва менталитетини ифодаловчи восита ҳамдир. Демак, қадимий ўзанлардан, теран томирлардан илҳомланиш барча замонавий ижодкорларга хос хусусиятлардан. Бу ҳолат у ёки бу ижодкор асарлари мазмунини ташкил этмаслиги мумкин, лекин унинг элементлари ёрқин намоён бўлган шеър, ҳикоя ва қиссалар мавжуд. Эртак ёки достонга хос сюжет бўлаклари, синтактик конструкциялар шулар жумласидандир. Ижодий салоҳият ва машаққатли меҳнат, матн устида тинимсиз изланишлар юксак асарларнинг туғилишига замин тайёрлайди. Шоир ёки ёзувчи дастлаб, халқ оғзаки ижоди, кейинчалик мумтоз сўз санъати билан чуқур танишуви натижасида ўз услуби ва йўлини топа боради. Абдулла Ориповнинг “Одамлар” шеърида ўзбек руҳиятига хос тангилик, саховат ва жавонмардлик бетакрор бадиий талқин этилган. Шоир тўртликларидаги фалсафий хулоса, мақолларнинг ўзига хос бадиий тасвири, ўзбек характерининг бетакрор ифодаси аслида юксак истеъдоднинг халқ даҳоси билан уйғун намоён бўлиши билан изоҳланади¹⁰.

*Жажжи гўдак, сен тугилдинг, сен учун
Ким беланчак ясаб турар шу дамда.
Кимдир сенга учқур тулпор эгарлар,*

¹⁰ Давлатова А.Р. Бадиий тафаккур ривожда халқ оғзаки ижодининг ўрни. Филологиянинг умумназарий масалалари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Жиззах. 2021. – Б.46-47. <https://hp.jspi.uz>

Кимдир сенга ҳасса йўнар шу дамда.

Бу шеър ғояси халқ донишмандлигининг намунаси ҳисобланган эртақлардаги уч кунлик дунё тўғрисидаги савол-жавоблар, умрни уч фаслга – гўдаклик, балоғат ва қариликка ажратиш тенденциясига асосланади. *Бешик, тулпор* ва *ҳасса* мажозий образлардир. Абдулла Орипов лирикасида фольклор элементлари, халқ оғзаки ижоди мотивлари кўплаб учрайди. Лекин бу шоир лирикаси бошдан охир халқона, бахшиёна оҳангларга асосланган, дегани эмас. Шоир адабиётга кириб келган илк кезларидаёқ ўз мақсадини, йўлини, ижодий концепциясини белгилаб олган эди. Дастлаб табиий равишда болалик, ўсмирлик шуурини эгаллаган халқ ижодиёти асосида шаклланган поэтик тафаккур кейинчалик олий таълим, ҳаётий ва ижодий тажрибалар натижасида катталашиб, улкан шеърятга айлана борди.

Ўнг қовогим учди-ё,

Чап қовогим учди-ё.

Узоқдаги шоир ўғли

Кимнинг ёдига тушди-ё.

Шоир ўзбек миллатига хос хусусиятларни, халқ донишмандлигининг айрим эпитетлари, метафора ва ўхшатишларни бутун ижоди давомида фаол қўллади.

Бобнинг иккинчи фаслида илмий муаммо **“Мумтоз шеърят анъаналари – поэтик тафаккур ўсишининг омили”** деб белгиланган. Ўзбек мумтоз адабиётидаги Қуръони карим, Ҳадиси шариф, тасаввуфий ғоялар – бир сўз билан айтганда, ислом фалсафасига йўғрилган бетакрор бадиий асарлар башарият руҳий тарбиясига муносиб хизмат қилмоқда. Абдулла Орипов шеърятда Алишер Навоий ижодидаги ана шу анъаналар поэтик синтези, янгиланиши алоҳида ўрин тутди. Ушбу фаслда шоирнинг арузда битилган ғазаллари, яратган образлари таҳлили орқали Навоий поэтик тафаккурининг замонавий ўзбек шеърятига таъсири ўрганилди. Умрининг сўнгги беш йили шоир ҳаётида ҳам, вужудида ҳам, руҳиятида ҳам ўткир драматизм билан ўтди. Бу ҳолатни енгиб ўтиши учун фақат ижоддан куч олди, алам, оғриқ ва дарду ҳасратини шеърлари замирига маҳорат билан сингдирди. Ана шундай драматик лаҳзаларда Алишер Навоийнинг рубобий ғазаллари унга тоғдек мадад берди. 2012 йил тўртинчи май санасидан то 2013 йилнинг май ойига қадар фақат ғазаллар ёзгани ҳам бунинг исботидир.

Қадимги туркий сўзлар шоир ижод хазинасини энг кўп бойитгани маълум. Жумладан, “Пайдо” радифли ғазалида “ёлғон”нинг ҳазрат Навоий шеърятда кўп учрайдиган “ўтрик” шакли қўлланган:

Раҳмдилсан, раҳм бирла юпатдинг йиғлаганларни,

Не тилда нола бор – ўтрик, не кўзда сохта нам пайдо.

Яратганга муножот руҳидаги ғазалда шоир раҳм-шафқат фақат Ундан эканини образли ифодалайди. Унингча, қай банданинг дилида ёлғон нола, қайси бирининг кўзларида сохта ёш зоҳир бўлиши ёлғиз Аллоҳга аён.

Демиллар, ошиқ аҳли жаннатингга жам бўлиб киргай,

Итоб этма, қаторингда магар Абдулла ҳам пайдо.

Абдулла Орипов ўзини Тангри даргоҳида чин ошиқлар қаторида кўрмоқ истади. Ошиқ аҳли жаннатга тўп-тўп бўлиб кира бошлаганда улар сафида кўриб, маломат қилма, қаҳрингга дучор этма, дея ўтинади. Маломат, таъна, қаҳру ғазаб маъноларидаги “итоб” сўзи Алишер Навоий лирикасида фаол қўлланган. Қуйидаги байт ҳам буни тасдиқлайди:

*Ул шўхдин манга эрур гоҳ нозу гоҳ **итоб***

Йўқ анда ихтиёр, доғи манда ижтиноб.

Нафақат сўз қўллаш борасида, ғазал поэтикасида ҳам шоир буюк салафи анъаналарини муносиб давом эттирди ва янгилай билди. Нурбой Жабборов таъбирича: “Оҳорли мазмун, вазн, қофия ва бадий санъат мукамаллиги Абдулла Ориповнинг ғазалнависликда ҳазрат Навоий санъатхонасидан баҳра ола билган бахтли ижодкор экани исботидир”¹¹.

Бобнинг учинчи фаслида **“Жаҳон адабиётининг шоир поэтик тафаккури тақомилига таъсири”** масаласи текширилган. Шоирни муайян миллат улғайтиради. Агар у юксак ижодий салоҳият эгаси бўлса, ёзганлари умумбашарий миқёсга кўтарилади. Абдулла Орипов ўзи таъкидлаганидек, буюк олим, ёзувчи ёки ижодкорни ҳамма бирдек ўзиники деб қабул қилади. Жаҳоннинг етук ижодкорлари асарлари билан танишуви, улар бадий тафаккуридан илҳомланиши шоир ижодий камолотида алоҳида ўрин тутди. Натижада Тангри таолодан ато этилган фалсафий тафаккур, инсонпарварлик ва миллатпарварлик туйғулари жаҳон адабиёти даражасидаги мавзуларга ҳам кўча борди. Шоир ижодида самовий миқёсдаги, жаҳоний аҳамиятга молик долзарб мавзуларга бағишланган асарлар кўп. Жумладан, “Юзмаюз” асари тақдир, одам қадри, инсон камолоти каби саволларга жавоб қидирилгани билан Софокл, Данте Алигъери ва Шекспир асарларига яқин туради. Асар орқали Одам одам билан юзлаштирилади. Ибтидодаги масъумиятни нафс, ҳирс, ҳасад каби туйғулар тамоман йўққа чиқарган. Шоир кўҳна дафтарни варақлар экан, кечмишни бирма-бир ёдга олади. Лирик қаҳрамон руҳан табиатга яқин экани диққатни тортади. Шоир қорин ғамида ҳайвонотга дахл қилган қавмдошига эмас, мамонтларга шафқат кўзи билан қарайди. Уларга қирғин солаётганларни эса “вахший оломон” деб атади: *Дунё ҳам бир вақтлар мамонт талашиб, Адашиб кетганди йўлидан мендай*¹². Асрлар оша шоир маломат қилган дунё “вахший оломон”ни-да табақалаштириб борди: *Асрлар шундайин тенгиб ўтдилар, Ер узра ҳукмрон зам бўлди фақат!*¹³ Бу ҳасрат жаҳон адабиёти намояндаларининг гоҳ комедия, гоҳ трагикомедия, гоҳ трагедия шаклида ифодаланган нидолари эди:

Наҳот ўша Фрейд ҳақ бўлса ёҳу,

Наҳот қотил бўлса ўсиб чақалоқ?!

Дунё адабиёти билан чуқур танишув ва буюк сўз санъаткорларидан хайратланиш Абдулла Орипов ижодида нодир таржималарнинг пайдо

¹¹ Жабборов Н. Замон, мезон, шеърят. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. -Б.123.

¹² Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. - Т.: Адабиёт ва санъат, 2000. - Б.61

¹³ Ўша манба. - Б.61

бўлишига ҳам замин ҳозирлади. Буюк италян шоири Алигъери Данте “Илохий комедия”сининг “Дўзах” қисми таржимаси бунинг исботидир. Бу асар аслида Данте даҳоси тимсолида Ғарб фалсафасининг дунё, ҳаёт, одамларга бўлган муносабати ифодаси эди. Таржимага киришар экан, шоир жаҳон адабиётининг илғор тенденцияларини мужассам этган сара асарлар билан янада чуқурроқ танишди. Ушбу бадиий-фалсафий асарни шарқона руҳда қайта “яратиш” учун албатта кучли илмий тафаккур, фалсафий дастмоя зарур эди. Абдулла Ориповнинг ёшликдан жаҳон адабиётига меҳр кўйиши, дунё адибларининг бетакрор асарлари мутолааси ва теран ижодий тафаккури ана шундай мухташам асар таржимасида қўл келди. Данте шахсияти ва асар муқоясасидаёқ, ёзувчининг самовий даражада фикрлаши, келиб-кетишдан маъно ахтариши, ҳар бир амалнинг албатта қандайдир жавоби бўлиши кераклиги ҳақидаги мантиқий хулосаси ва бу қарашларнинг диний билимлар билан мустаҳкамланиши ўқувчидан мутолаа учун жиддий тайёргарликни тақозо этади. Асар моҳиятидан инсониятнинг илдизи бир, орзу-интилишлари муштарак, шунинг баробарида, нафсга тобелик ва шухратпарастлик хусусиятлари ҳам айнан экани аён бўлади. Дантенинг ижодий катарсисини, қалб оғриқларини ноқис жамият устидан аччиқ кулгусини таржимада тўлақонли акс эттириш учун маҳорат керак эди. Абдулла Орипов ана шу оғир ва машаққатли вазифани юксак даражада адо этди.

Шоир таржима асносида асарнинг ўзга тилларга таржималарини кўздан кечирган, қиёсий таҳлил этган. Юксак ижодий салоҳият ва теран фалсафий тафаккур асар структураси ва ғояси аслиятга уйғун бўлишини таъминлаган. Асар ритминини сақлаб қолиш учун шоир наинки сўз, балки унли ва ундош товушлар хусусиятларига ҳам алоҳида аҳамият қаратган. Натижада лирик қаҳрамон руҳий дунёси, ички олами таржимада мукамал ифода этилган.

1957 йилдан 1966 йилгача бўлган даврда шоир сермахсул ижод қилган бўлиб, 150 га яқин шеър ва “Соя” достонини ёзган. Лекин афсуски, айрим сабабларга кўра дoston тўлиқ етиб келган эмас. Бундан ташқари, ана шу ўн йилликда шоир яна 227 та шеър ёзган ва 3 та таржима (А.С.Пушкин, Г.Гейне, Б.Пармузин)ни амалга оширган¹⁴. Агар барчаси жамланса, шоир бу даврда 377 та турли мавзу, жанрдаги асарлар яратган. Ижодининг дастлабки ўн йилида асосан табиат мавзуси етакчилик қилади. Кейинчалик севги, дўстлик мотивлари, 1963-1964 йиллардан фалсафий теранлик кузатилади. Шеър финалида ўткир фалсафий хулоса бериш тамойили қатъийлашади ва Абдулла Орипов феноменининг бош хусусиятига айланади.

“Шоир лирик асарларида поэтик мазмун такомилли” деб номланган иккинчи бобнинг биринчи фаслида илмий муаммо **“Фалсафий тафаккур – поэтик мазмун такомилнинг асоси”** деб белгиланди. Инсон ва Миллат маънавияти параллелизми Абдулла Орипов ижод концепцияси асосини ташкил этади. Бу эса шоир фалсафий тафаккури юксалишининг бош

¹⁴ Бу асарлар шоир вафотидан кейин Ҳанифа Мустафо кизи ва Рухсора Ориповалар томонидан 2021 йилда “Шоирнинг туғилиши” номи остида нашр қилинди.

омилидир. Шоир мўъжаз тўртлик ёзадими ёки йирик достон, албатта, унда умуминсоний масалаларни ўртага қўяди. Асарнинг фалсафий хулосаси одатда шеър ёки достон финалида ифодаланади. Даврининг уйғоқ фарзанди бўлган шоир фалсафий тафаккури моҳиятида миллий ўзлик, самимият, иймон ва собит этикода акс этди.

“Асосий нусха” шеърида кибрга берилиб, кимлигини унутган кимсалар қиёфаси тасвирланган. Илм аҳли ўртасида асл нусха, асосий нусха каби тушунчалар мавжуд. Яъни бирон назарий ёки диний-маърифий масалада хулоса чиқаришда баъзан ихтилофий фикрлар туғилса, манбанинг асли ёки таянч нусха билан таққослаш тақозо этилади.

*Менга кибр билан боқма, эй банда,
Юзингда кўринмас табаррук у чанг.
Сен тахрир бўлгансан, ростин айтганда,
Арида қолиб кетган асосий нусханг.*

Бирон салбий қусурга эга кимсага нисбатан ҳам “нусха” сўзи қўлланади. Биргина “нусха” сўзи орқали шоир уч маънони ифодалайди: 1) кибрга берилган аниқ адресат; 2) аслидан йироқ, шайтони лаъин томонидан “тахрир қилинган” кимса; 3) яширин маънода эса Аллоҳ Таоло ўзининг бор қудратини жо этиб яратган илк нусханинг (моҳиятнинг) бой берилгани. Шоир юқорида “табаррук чанг” деганда, мана шуларни назарда тутган эди.

“Европа” шеърида шоирнинг ҳаёт икир-чикирларига ўралашган одамзод қалбида муҳаббат туйғуси барҳам топганидан надомати ифодаланган. Шоир наздида, бир замонлар бу заминда рашк, яъни ёрини бегона кўздан ҳимоя қилиш маъшук учун қалб амри саналган. Отеллода ғазаб уйғотган ҳис ва Шекспир куйлаган пок туйғу ҳам шунга асосланган. Шоир ушбу ҳислар бу ерлардан энди бадар кетганини европаликлар ёқлаб чиқаётган эркин муҳаббат ва никоҳ тушунчаси билан боғлиқ ҳолда образли сувратлантиради. “Муҳаббат ҳақида ўтли, оташин, самимий туйғуларга йўғрилган мисраларни битган шоирнинг дили соғлом ақлга зид бундай “стандарт”лардан безовта, ярадор. Гап фақат жинслар ўртасидаги муносабатларнинг бугунги кўринишлари ҳақида эмас, балки фан-техниканинг мислсиз ривожланишидан ҳеч бир қолишмайдиган даражада инсоният тутумида ҳам юз бераётган ўзгаришлар, иймон, виждон, савоб деган фазилатлар, инсонга хос азалий туйғулар ўрнини зулм, шафқатсизлик эгаллаб бораётгани ҳақида”¹⁵.

Шоир муҳаббатни Тангрининг буюк неъматини, бебаҳо туйғу, деб билади. Муҳаббат учун тарихда қанча жанглар бўлиб ўтганини эслатади. Шундай табаррук туйғунинг топталиши уни ларзага солади. Ғоялар мисрама-мисра кескинлашиб, шеър финалида уйғоқ қалб изтиробига айланади.

¹⁵ Бегимкулов Д. Садоқат. /Орипов А. Танланган асарлар. 8-жилд. -Т.: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – Б.309.

Абдулла Орипов шеърятда “Ранглар ва оҳанглар” китоби муҳим ўрин тутди. Шоирнинг ўзи мўъжаз сўзбошисида буни эътироф этиб, шундай ёзади: “Инсон руҳияти ғоят сирли, ниҳоятда мураккаб бир оламдир. Руҳият доимий иқдорлар, тубсиз армонлар, чексиз орзулар диёридир. “Ранглар ва оҳанглар” деб номланган шеърый туркумда эса ёйиқ, воқеабанд ифода шаклига мурожаат қилдим”. Туркум аввалидан ўрин олган ғазаллар учликлар тарзида тақдим этилган руҳий кечинмаларга замин тайёрлаган.

*Тунда ой, кундуз қуёш навбат билан боққай сенга,
Мендайин собит эмасдир, мендайин мафтун эмас.*

Лирик қаҳрамоннинг Яратганга муножотида улуғ устозлар йўлидан борилиб, Олий хилқат васли умидида ой ва қуёш навбат билан боқиши, бу улуғворлик қаршисида оний лаҳзалардаги ҳайратни англай олиши учун бир дам чекинишга мажбур бўлиши образли ифодаланган.

“Ранглар ва оҳанглар” туркумида учлик шаклидаги 15 та шеър бўлиб, ҳар бири 15 банддан иборат. Демак, туркум жами 675 сатрдан таркиб топган. Ҳар бир шеър алоҳида мавзуда ёзилган, лекин мантиқан бир-бирига боғлиқ, яъни бир бутунликни ташкил этади. Ушбу учликларда шоирнинг “тубсиз армон ва чексиз орзулар”и акс этган. Шахсий кечинмаларга доир бир-икки сатр ҳасби ҳол эътиборга олинмаса, уларда Ватан, миллат, яхшилик ва эътиқод туйғулари уйғун ифодаланган:

*Авал-охири йўқ мажҳул дунёнинг
Суврату сийратин чиза олган ким?!
Синаб кўражак у сени ҳам албат.*

Туркумдаги илк шеърда ана шу тарзда теран фалсафа акс этган. Кўп имкон берилган бўлса-да, инсон ожиз экани, одам боласининг фарёд, шамол, зулм, кибр ва қалбнинг рангини кўра олмаслиги, агар бу ҳолат воқе бўлса, бундай издиҳомда ухлаб бўлмаслиги изҳор қилинган. “*Бироқ сен, ижодга азм этган шоир, Уни адаштирмай фарқламогинг шарт*” мисралари шоир ижод концепцияси асосини ташкил этади. “Абдулла Орипов – мутафаккир шоир. Шунинг учун ҳам у бошқаларнинг етти ухлаб тушига кириши маҳол бўлган оригинал бадий умумлашмаларга кела олади, – деб ёзади адабиётшунос Нурбой Жабборов. – Жумладан, унингча, ижодга азм этган шоир рангларни зоҳир кўзи билан эмас, ботин дийдаси билан идрок этмоғи керак. Чунки инсон кўзи сураткаш анжомидан бўлмагани каби унинг қулоғи ҳам оддий сомеъ эмас – улар нозик меҳробларга тегишли. Яъни ижодкорнинг назари ҳеч ким илғамаган гўзалликни пайқаш зарур. Шоирнинг қулоғи бирор одам боласи эшитиши мумкин бўлмаган оҳангларни тингламоғи керак”¹⁶.

“Уйғунлик” шеъри ҳам фалсафий хулосаларга бойлиги билан ажралиб туради. Шоир бу шеърда вақт, дунё, муҳаббат ва Ватан туйғуларини уйғун тасаввур қилади. Унингча, бу оламда бўшлиқ деган тасаввур бор, холос. Инсон уни кўриш имконига эга эмас. Аслида, уни вақт деган олий ҳакам ва сон-саноксиз руҳлар макон этган бўлиши мумкин.

¹⁶ Жабборов Н. Маоний аҳлининг соҳибқирони. – Т.: Adabiyot, 2021. –Б.238.

*Буюк истисно бор дунёда бироқ,
Бунёд этиб бўлмас уни қўл билан
Муҳаббат дейдилар, уни, Муҳаббат.*

Шоир ижодида поэтик мазмун ва фалсафий тафаккур юксак даражада уйғунлашгани диссертацияда муфассал таҳлил этилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли **“Поэтик мазмун ривожда миллий рух тасвирининг ўрни”** деб номланган. Муайян миллат адабий-эстетик тафаккури тараққиёти уч омил асосида белгиланади: 1) халқ оғзаки ижоди; 2) мумтоз адабиёт ва 3) жаҳон адабиёти тажрибалари таъсири. Дастлабки икки омил миллий адабиёт илдизлари, ижодкор асарларида жаҳон адабиёти концепциялари акс этиши ва ўз навбатида, дунё адабиётига самарали таъсири билан боғлиқ. Абдулла Орипов шеърляти ана шу бадиий-эстетик омилардан озиқлангани ҳолда бирор жихатдан уларни такрорламайди. Балки шоир ижодида фольклор, ўзбек мумтоз ва жаҳон адабиётидаги ижодий тажрибалар бойитилади, мазмун ва шакл, жанр, образ ва рамзлар поэтик жихатдан янгиланади, такомилга етказилади.

“Умримиз йўллари” шеърида шоир ҳаёт йўлига назар солади. Шеърнинг ретроспектив таҳлили ижодкор ҳаёти ва шеърларининг психобиографик асосига замин ҳозирлаган воқеликларни ҳис этиш имконини беради. Босиб ўтган умр йўли сўнгида чиқарган хулосаларини фарзандига изҳор қилар экан, бу шоирнинг ҳаётий фалсафаси эканига амин бўламыз:¹⁷

*Ўғлим, фақатгина Ҳақнинг йўлини тут,
Мудом эзгулик деб қилгин ибодат.
Бир кун бу синовлар бўлгайдир унут,
Буюк иродангга таянгин фақат.*

“Ҳақиқий биографик тадқиқот юзага келиши учун тадқиқотчи ижодкор руҳиятига кириши, унинг турли қирраларини кўрсата билиши, бу инсонни ҳаракат қилишига, гапиришига, нафас олишига мажбур этиши, энг муҳими, уни оила даврасида, ўзига хос одатлари билан тасаввур эта олиши лозим”¹⁸. Юқоридаги шоир вафотидан атиги беш ой илгари ёзилган шеър ана шундай илмий қарашларга асос бериши жихатидан қимматлидир.

Абдулла Орипов лирикасида миллий рух масаласи ўзбекларга хос топқирлик, ҳазилга мойиллик, воқеликни ўзига хос тасвирлашида ҳам намоён бўлади. “Ҳангома” шеъридаги қиш кунида тўйга бориш можороси аслида ҳамманинг ҳаётида ҳам содир бўлиши мумкин. Бу шеърнинг қисман биографик асоси ҳам бор. Яъни шоирнинг қишлоғидаги яқинлари билан рўй берган вазият. Лекин шоир унга ўзгача ёндашиб, ҳангомани янада завқли тасвирлаш йўлини топади. Адашган чоллар беозор ранжишларининг

¹⁷ Давлатова А., Ҳайитова М. Абдулла Орипов шеърлятининг ўзбек адабиётида тутган ўрни // Academic Research In Educational Sciences, 2(3), 1019-1024. http://ares.uz/storage/app/media/2021/Vol_2_No_3/1019-1024.pdf

¹⁸ Журакулов У. Ҳудудсиз жилва. Т.: Фан, 2006. -Б.22.

ифодаси ниҳоятда жонли ва табиийдир: - *Қора қишда тўй қилмай, Баттар бўлгур нокас, гов. Баччагарнинг аслида, Феъли совуқ эди-ёв.*¹⁹

Қиш аслида оппоқ қорга бурканадиган беғубор фасл. Лекин жонли халқ тилида *қора совуқ, қора қиш* сифатлари ҳам ишлатилади. Матн замирида тўйида қор ёққани учун хонадон эгаси устидан беозор ранжиш элементлари ҳам яширинган. Халқимиз орасида тўй-мавридлардаги об-ҳавога қараб хонадон эгасининг феълига баҳо бериш бор гап. Шоир бу ерда от ва эшак образлари орқали ақл-фаросат, фаҳм тушунчаларини қаламга олган. “Шарқлик ҳикояси”да ҳам табиат ва табиий уйғунликдан унумли фойдаланган. Яъни шеърдаги эшак аслида ота-ўғил бисотидаги ягона улов эди. Лекин воқеалар ривожини ва шеър финалида бу объектив эмас, балки ироник тарзда тасвирланади. Аслида ўртага тушган “эшак” ҳар қандай ҳолатда ҳам ота ва ўғилни маломат қилган оломоннинг типик образидир. Ушбу шеърлар таҳлили академик Матёкуб Қўшжонови *мана бу фикрлари асосли эканини кўрсатади: “Маълумки, адабиётнинг тасвирлаш имконияти жуда катта. Унда жамият ҳаётида бурилиш ясаган катта воқеалардан тортиб, ўша жамият аъзоларининг турмуш тарзи, урф-одати, ахлоқ нормаларига ақс этади. Абдулла Ориповнинг бир қатор шеърлари борки, уларда баъзан оддий, кўз илғамас, бир қарашда унча муҳим бўлиб кўрина бермайдиган ахлоқий масалалар олға сурилади ва шоирона ҳал қилиб берилади”.*²⁰

“Сайёҳлар” шеъридаги Ичанқалъани сайр қилаётган хорижлик отахон ва онахонлар ғайрати ҳавас қилгулик. Ўзимизникилар билан солиштирар экан, шоир умрида ўз юртини айланиб чиқмаганлар борлигидан куюнади. Турмуш ташвиши оёғидан тортган, кўнглига саёҳат сиғмайдиган юртдошларига ачинади: *Ҳисоб-китоб қилгай улар ҳар ёқни, Ўзбекнинг одатин билиб-билмаган. Кампир эшитмаган “тўққиз товоқ”ни, Чол ҳам қуёвиги сарпо қилмаган.*

Шоирнинг “Ўзбекчилик” деб номланган туркум тўртликлари бор. *Хаста бўлиб ётган кекса бир одам, Ички кийимини алмаштирар дам, Секингина деди набирасига: - Ҳар ҳолда, ўзбекмиз. Чиқиб тур, болам.* Ушбу шеър биографик характерга эга бўлиб, 2013 йил 25 декабрда ёзилган. Шоир Туркияда касалхонада ётганда, унга қараб турган ўғлининг олдида кийим алмаштиришдан истиҳола қилади, бу ҳол ўзбек характерини, миллатимизга хос андиша, ҳаё фазилатларини очиб берадиган яхши тўртликка айланади.

“Ўзбекчилик-2” деб номланган тўртлик одамнинг сийратига эмас, сувратига боқиб муносабат қиладиган кимсаларнинг умумлашма образидир. Ночор одамни ҳаётнинг ўзи пойгақда қолдиргани етмагандек, давраларнинг энг қуйиси ҳам унга аталгани ифодаланган шеърда.

“Ўзбекчилик -3” эса тамомила бошқа хислат тўғрисида ёзилган: *Очлик босган уйини, Кўкрак кериб юради. Боғлаб қўйган қўйини Тўёнага беради.* Ўзбекка хос ғурур, тантлиқ, ўзи емай, бошқалар кўнглини олишга бўлган

¹⁹ Орипов А. Танланган асарлар. Биринчи жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2000. -Б.208.

²⁰ Қўшжонов М., С.Мели. Абдулла Орипов. – Т.: Маънавият, 2000. - Б. 39.

интилишнинг ачинарли манзараси. Бу тўртлик Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” трагикомедиясидаги Кўчкорвойни эсга солади. Ёки Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар”идаги Деҳқонқулда ҳам айни шундай танглик ва тантилик бор. Шоир юқоридаги тўртликларида халқимиз менталитетида сақланиб келаётган фазилатлардан қувонса, қусурлардан озорланади.

Учинчи боб **“Ижодкор шеъриятида поэтик шакл тадрижи”** деб номланган бўлиб, бобнинг биринчи фаслида **“Шоир шеъриятининг жанр ва шакл хусусиятлари”** таҳлил этилган. Адабий жанрлар Иззат Султон²¹, Т.Бобоев²², Э.Худойбердиев²³, Ҳ.Умуров²⁴, Д.Қурононов²⁵ каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. Д.Қурононов жанрни қуйидагича таърифлайди: “Жанр дейилганда адабий асарларнинг бир тур доирасидаги тарихан шаклланивчи, ўзининг нисбатан барқарор поэтик структурасига эга типи тушунилади. Тарихий категория ўлароқ жанрлар муттасил ҳаракатда яшайди: янги жанрлар пайдо бўлади, такомиллашади, истеъмолдан чиқади. Ҳар бир алоҳида жанрда ҳам мудом сифат ўзгаришлари кузатилади, бадиий ижод амалиёти унинг шаклий ва мазмуний хусусиятларига муттасил ўзгаришлар киритиб боради”.²⁶

Абдулла Орипов ўз даврининг феноменал ижодкори сифатида лирик, лиро-эпик, драматик турларда фаол ижод қилди. Шоир адабий меросини комплекс ўрганиш натижасида асарларидаги жанр ва шакл хусусиятларини икки жиҳат асосида таснифлаш мумкин: 1) муайян адабий жанрдаги ва 2) шеърый шакллардаги ўзига хосликка эга асарлар.

Ғазалларида арузнинг мусиқий оҳанги, лирик қаҳрамон кечинмасининг кенг миқёсда ёритилиши кузатилса, қасида жанридаги асарлари асосан она Ватан тимсоли мадҳ этилгани билан характерланади. Лиро-эпик турга мансуб дostonларида эса эпик мазмун юксак поэтик талқин этилган. “Жаннатга йўл”, “Соҳибқирон” дostonлари орқали драматик турда самарали ижод қилди. Адабий меросида ғазаллар – 27 та, балладалар – 7 та, лиро-эпик қиссалар – 9 та, қасидалар – 3 та, драматик дostonлар – 3 та, лиро-эпик дostonлар – 3 та экани шоир ижодининг жанрлар кўлами катта экани исботидир.

Шоир лирикасидаги руҳий ҳолат манзараларини, оний лаҳзада туғилган кайфият тасвирини қуйидагича тасниф этиш мумкин.

1. Лирик кечинманинг метафорик тасвири.
2. Туйғу ва ғоя параллелизми.
3. Ўзгарувчан кайфият ифодаси.
4. Фалсафий ғоянинг очик шеърый талқини.
5. Товуш ва сўз ўйинлари воситасидаги ифода.

²¹ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1986.

²² Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002.

²³ Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Шарқ, 2008.

²⁴ Умуров Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. – Т., 2004.

²⁵ Қурононов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Навоий университети, 2018.

²⁶ Қурононов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Навоий университети, 2018. -Б. 367-368.

Шундай қилиб, шоир моддий дунёдаги икки тарафни кузатган учинчи шахс сифатида муайян макон ва замонда иштирок этар экан, субъект-объект муносабатлари (бозор-дунё) ва субъект-субъект муносабатлари (гадо-гадо)ни мушоҳада қилади. Шоир фалсафий ғоясининг очиқ шеърый ифодаси ахлоқий тушунчалар ва категорияларнинг замонавий талқинидир.

“Соғинч” шеърисида шоирнинг бадиий олами, шахсий ҳаёти акс этган. Ижодкор бекат тушунчаси орқали унинг зоҳирый ва ботиний маъноларини параллел ифодалайди. Масалан, бекат – ҳаёт, бекат – дунё, бекат – абадият, бекат – айланма йўл, бекат – айрилиқ каби тушунчалар занжири бунинг исботидир. Шеърда бекатнинг моддий моҳиятига эмас, шаклий хусусияти ва фалсафий вазифасига урғу берилади. Бекатнинг икки жиҳати бор: учрашиш, ва ажралиш жойи. Трамвай ҳеч қачон ўз ихтиёри билан ҳаракатлана олмайди, у рельсларга боғланган. Рельслар эса бамисоли ҳаётнинг ўзи каби узун йўл. Трамвай ва ёшлик ҳам йўлга монанд. Шунинг учун шоир наздида, трамвай –орзуга ҳар доим ҳам етиб бўлмайди. Бу каби ўхшатишлар ҳаётий тажриба ва кузатишлар билан боғлиқ. “Бекат” лексемасининг шеърдаги функцияси катта йўлга олиб борувчи трамвайни кутишдан иборат. Ушбу поэтик топилманинг ноёблиги шундаки, руҳиятдаги қарама-қаршилик умидсизликка боис бўлмайди, бекорга оҳ-воҳ кўтарилмайди, шунчаки ҳаёт ва йўл маромининг вазифаси тенглаштирилади.

Шоир биргина тўртлик устида ҳам соатлаб ишлаган, сўз ва жумлаларни ўчириб қайта ёзишдан чарчамаган. Бу каби тинимсиз изланишлар, машаққатли меҳнат, бир қофия устида кунлаб ўйлашлар натижасида ижодий баркамолликка эришган. Лирик қаҳрамон ва поэтик тафаккур такомилли тадрижий тарзда давом этган. Шунинг учун шоир ижодий лабораториясида бир асарнинг ўнлаб матний ўзгаришлари, бир асар ғоясининг турли версиялари, ўзига хос оригинал интертекстлар кўплаб учрайди.

Бадиийлик мезонлари орасида шеърый нутқ белгиси сифатида мурожаат муҳим ўрин тутди. Мурожаат лирик қаҳрамон ва ижодкор ҳис-туйғуларини, ҳолатларини англатиши билан аҳамиятли. Абдулла Орипов феноменал шахс ва шоир сифатида ҳаёти, тажрибаси ва фалсафий қарашларини шеърларида ёзиб қолдирди. Унинг мурожаат лирикасида муаллиф кечинмалари асар, ҳаёт, ғоя мантиғига кўра ўзгарувчан. Яъни шоир уларни қайтадан таҳлил қилади, бойитади ва мутлақо ўзгача қиёфада яратади. Бу эса асарни юксалтиради, ўқишли ва мусиқий бўлишини, асосийси, умрбоқийлигини таъминлайди. Бу шоирнинг ёзганлари мутлақо шахсий кечинмалар натижаси, дейишга асос бермайди. Баъзан ижодкор ҳаётига мутлақо бегона, ўз қалбидан ўтмаган психологик вазиятларни ҳам тасвирлаши мумкин. Бундай ҳолат замон ва макон маромига кўра шоир ва ўқувчига ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Шундай қилиб, “поезд” сўзи шоир лирикасида 19 марта қўлланилган. Лекин барчаси ҳам мажозий маънога эга эмас. Баъзан сўз муайян ҳолат тасвирини бериш учун ўз ўрнида қўлланган.

*Вокзал улкан шаҳар чегарасида,
Поездлар шамоли тинмай уфурар.
Чеккада, темир йўл заҳирасида
Фақат битта вагон мунгайиб турар.*

“Ташландиқ вагон” шеъри руҳий драматизмга бой, рамзийлик кучли. Ташландиқ вагон – лирик қаҳрамоннинг символик образи. Вокзал – дунё, поезд – ҳаёт, вагон – одам, лирик қаҳрамон тимсоли. Вагон – шоир, лирик қаҳрамон ҳаёт шамолида елиб не-не маъволарни, далаларни кезади, ҳатто шоҳлар базмига мезбон бўлади. Шеърда замон ва макон оқими уни ҳам аямаганига ишора қилинган.

Шоир шеърларида қуйидаги шаклдаги туроқлардан фойдаланилган:

Якка вазн: $6+5=11$, $4+5=9$, $7+5=12$, $4+4=8$, $4+4+5=13$, $6+3=9$, $7+2=9$,
 $3+4=7$, $7+7=14$, $4+3=7$

Қўшма тuroқ: $4+4 - 4$, $4+4 - 5$, $4+4=8 - 4+3=7$, $4+3 - 3+4=7$, $3+4=7 - 3+3=6$, $4+2=6 - 3+2=5$, $6 - 5$, $5+5=10 - 6+5=11$, $5+4 - 4+5=11$, $2+5 - 4+3=7$

Абдулла Орипов ижодида асосан $6+5=11$ тuroқдан фойдаланилган. Бахт, кувонч, ҳижрон, алам, муҳаббат, соғинч, дард, севинч – барча туйғулар ана шу тuroқ шаклида ифодаланган. Шеърнинг мазмунидан, туйғулар залворидан келиб чиқиб, $7+5=12$, $4+4+5=13$ тuroқлар ҳам қўлланган. Бу шаклда шоирнинг вазмин руҳий кайфияти акс этган. Бу кайфиятни $7+9=16$ тuroқли шеърларида ҳам кўриш мумкин. Ҳорғин, эзгин руҳият тасвирини берар экан, шоир бу жараёнда ўқувчида ҳам шу кайфиятни уйғотади ва бу орқали мазмунни янада тугалроқ акс эттиради. Шунингдек, шоир бармоқ вазнининг $6+5=11$, $4+5=9$ тuroқларидан шеърини шакл сифатида истифода этади. Шоир шеърларида терапн фалсафий мазмун устунлиги вазмин оҳангни тақозо этган.

Кейинги фаслда эса “Поэтик шакл янгиланишида индивидуал ижодий тафаккурнинг ўрни” ўрганилган. Шоирнинг “Ранжком” драматик достони 1988 йилда ёзилган. Асар моҳиятини англаш, шоир кечинмаларини ҳис этиш учун айни йилда ёзилган “Умр”, “Узлат”, “Ўғлим Илҳомжонга”, “Тараққиёт”, “Гап битта”, “Ўйламай нетайин”, “Ирим”, “Тоқат”, “Таскин”, “Эътиқод” каби шеърларини таҳлил этиш зарур. Бу давр ораллиғида ёзилган аксар шеърларда қандайдир руҳий синиқлик (*Томай-томай деган томчидай юлдуз, Менинг руҳиямга гоят муносиб*), дунёдан кўнгили узиш (*Менга узлат керакдир, Издиҳомдан тўйганман*), меҳр танқислигидан ажабланиш (*Ҳозир меҳр булоғи тинди, Бу ҳолни ҳам иримга йўйинг, Қизларингиз тугилса энди, Номларини Меҳрихон қўйинг*), жамиятдаги айрим ҳолатларга истехзоли қараш (*Бир замонлар отар эдик, осар эдик, Энди эса мажлис қилиб ўлдирамиз*), фалсафий хулоса (*Топтадинг даврлар эътиқодини*)ларга гувоҳ бўламиз.

“Ранжком” достони шоирнинг шоҳ байтга тенг фалсафий қарашлари акс этган тўртлик билан бошланади:

*Азизим, дил қасрига бесўроқ кира кўрма,
Унда кўш-қўш илонлар, аждаҳолар ётади.*

*Сен бировни топтай деб беҳудага от сурма,
Ҳар кимнинг ўз қуёши ўз уфқига ботади*²⁷.

Ранжком – аббревиация тури билан ҳосил қилинган сўз, шоирнинг ўзига хос оригинал топилмаси. Ранж – бу ситам, алам, озор, ғам; ком – “комитет” сўзининг аббревиация йўли билан олинган илк бўғини. Шунингдек, мумтоз адабиётда тилак, истак, мақсад каби маъноларда қўлланган. Достон номида ҳар икки маъно акс этган: 1) ранжитиш билан шуғулланувчи комитет; 2) мақсади ранжитиш бўлган жамоа.

Савдойи олим, ғоз кўтарган чол ва фаррош аёл образлари танланиши, журнал номининг “Ҳашарот” экани замирида ҳам шоир ижодий нияти мужассам. Достонда қаҳрамонларнинг ўзаро тўқнашуви, дунёқараши, асл нияти бор-йўғи 138 та диалог воситасида очиб берилади. Анъанавий драматик достонлардаги каби сахна ва кўринишлар тафсилоти берилмайди. Шоирнинг 1988 йилларда ёзилган шеърлари билан достондаги лиро-эпик фожелик ниҳоятда уйғун. Бу ҳол “Ранжком”нинг реал психобиографик ҳиссиётлар таъсирида ёзилгани исботидир. Қаҳрамонлар нутқи ва хатти-харакатида айнан ўша йиллардаги шоир руҳияти, замон ва одамларга бўлган ишончи ва ишончсизлиги, руҳий эҳтиёжлари акс этади. Аниқроқ айтганда, психоанализнинг тадқиқот методи ҳисобланган психобиография усули натижасида буни яхши англаш мумкин. Шоир достони Гулханийнинг “Зарбулмасал”и каби мажозий маънога эга.

Асар репликасидан то эпилогга қадар қаҳрамонлар нутқидан қора ранг, ўтирган хонадан бадбўй хид таралиб туради. Достон таҳлилидан шоир ўзига хос “стилистик майдон” ҳосил қилгани аён бўлади. Демак, достон ўзига хос тарзда “кодланган” эзотерик маъноларга эга. Журнал бош муҳаррири мавжуд, лекин ички гуруҳ раиси алоҳида, раис ва савдойи олим қутби, ғоз кўтарган чол ва аъзолар қутби ва ниҳоят Фаррош кампир каби кутблар.

“Адабиётшуносликдаги психоанализ шундай тадқиқот усулики, унда бадий асар, онгсизлик (бессознательный) психологияси билан биргаликда талқин этилади. Психоанализда бадий ижод инсон психикасидаги қандайдир онгсиз, онгости жараёнларидан олинган импульс, инерциянинг рамзий маҳсули сифатида қаралади.”²⁸ “Ранжком” шу нуқтаи назардан таҳлил қилинса, ижодкор руҳиятининг акс этиш тамойиллари, образларни символик қиёфада акс эттиришга бўлган услубий изланишлари, воқеалар ривожи ва қаҳрамонлар нутқидаги психик динамикани акс эттириш маҳоратини аниқлаш мумкин. Достонда поэтик анъананинг янгиланиши, одам маънавий, руҳий қиёфасининг синтезлашган усули орқали 1980-йиллар охиридаги ижодкорлар руҳиятидаги тушкунлик бадий талқини индивидуал ва ўз навбатида, психологик талқин даражасига кўтарилган. Асар хронотопида **инсон, жамият, вақт** учлиги чархпалаги оралиғида кечаётган воқеликлар, замон ва макондаги эврилишларнинг одамлар ҳаёти, руҳиятига таъсири ўзига хос композицион узвийликда ёритиб берилган.

²⁷ Ўша манба

²⁸ Баҳодир Карим. Руҳият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018. -Б.181.

Диссертациянинг “Абдулла Орипов асарларида поэтик образ эволюцияси” деб номланган тўртинчи боби биринчи фаслида “Ижодкор назмида лирик қаҳрамон образининг поэтик такомилли” таҳлил этилган. Лирик қаҳрамон орзулари кўплигидан баъзан қийналса, умидлар унга тинчлик бермаётганидан, қалбида исён уйғотаётганидан безовталанади. Унинг ўй-хаёлида мавзулар шунчалар кўпки, кимни ва нимани қаламга олиш кераклигидан бирпас тарадудланиб қолади. Лекин барибир юрак амрига кулоқ тутишни, она Ватан мадҳи ва миллат ҳақида ёзишни бош мавзу ўлароқ танлайди: *Юрак шуни куйлар – томири Қайга борса, қайга уланса. Юрак шуни куйлар, қонида Кимнинг оташ олови ёнса...*²⁹. Жумладан, “Ватан”, “Юрт севгиси”, “Мафтунингман” шеърларининг бадийий ғояси “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!” шеърида яхлит ифодаланган:

*Аслида дунёда танҳо нима бор,
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшимми севгимга сабаб?
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.*³⁰

“Юрт севгиси” шеърида эса қуйидагича ифодаланган:

*Гар дунёда ўтлоқ оз эмас
Ва танҳомас зангори тоғлар.
Лекин Ватан ҳар дам биттадир,
Кимгадир эл йироқ-йироқлар.*³¹

Шоир лирикасида Ватан замини, табиати нозик кузатиш, ҳайрат ва муҳаббат билан тасвирланади: *Эҳ, сиз тоғлар, дилрабо тоғлар Ёш қалбимни мафтун этгансиз. Ёшлик, бахтни куйлагин дея, Ижодимга илҳом тутгансиз.*

Шеър 1958 йилда ёзилган. Демак, шоир 17 ёшда бўлган. Бу даврда лирик қаҳрамон атрофини қуршаган жозибали оламга яқинлашади. Пурвиқор тоғларга ўзини яқин туттади. У интилаётган баландлик, чексиз гўзаллик ва табиат уйғунлашиб кетади. Аслида, ижодига илҳом тутган тоғлар – шоирнинг қалби интилаётган бадиият чўққиси эди. Абдулла Орипов лирик қаҳрамони ҳам шоир билан ўсиб-улғайди, халқ ва Ватан севгиси ҳаётини тажриба, дунёқараш воситасида янада мустаҳкамланиб борди. Шоир ўз даврининг бутун зиддиятларини, олқишларини, оқ ва қора рангларини, ошкор ва яширин туйғуларини асарларида акс эттирди. Баъзан ўзи виждони сўроғидан азобланса, гоҳида шеърларида виждонсизлар парчалаган руҳиятини тиклашга интилди. Шундай асарлари орасида “Юзмаюз” шеъри алоҳида ўрин туттади. Яшар Қосимов шоир ижодига баҳо бериб: “Бадийий ва ижтимоий фикрни қуллик ва мутелик асоратидан халос этишга бел боғлаганлардан бири, эҳтимолки, биринчиси Абдулла Орипов эди”, - деган эди.

Мен бир тажрибасиз, гўр йигит, нечун

²⁹ Орипов А. Шоирнинг туғилиши.- Т.: Адабиёт, 2021. –Б.16.

³⁰ Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1 жилд.– Т.: Адабиёт ва санъат, 2000. – Б. 44.

³¹ Орипов А. Шоирнинг туғилиши.- Т.: Адабиёт, 2021. –Б.22.

*Адашдинг деяпман дунёга, ҳайҳот.
Абдулла, ханжарни ўзингга ургин,
Сен ўзинг адашмай ўсдингми, наҳот?!*

Узоқ ўтмишни ўйлаб фикр юритиш, ҳаёт учун курашган ваҳший оломон, инсоният бошини боғлаган зулмат, нотиклар қарғаган зулмга чора излаб замондошларини юзма-юз муҳокамага чорлайди. Лирик қаҳрамон мозийга экскурс қилар экан, дунёнинг азалий удуми ибтидоий даврлардаёқ барбод бўлганини англайди. Нафси учун ўлжани куппа-кундузи уйига тортқилаган, ўзини ўйлаб, бошқа қавмдоши оч қолишини ўйламаган, Иблис кутқусига учраган ондан бошлаб, дунё тарозуси бузилиб кетди. Ўша ваҳшийликнинг шарпаси, шафқатсиз, оч назари, вайронкор қадамларини эшитади. Олам ва одамнинг сўнгсиз азоб-уқубатлари “Юзма-юз”да тўлик ифодасини топган.

Одатда, ҳар қандай асар тасодифий яратилмайди. У ижодкор онгида, руҳиятида, ҳаётида из қолдирган нуқталардан бошлаб бино бўла бошлайди. Демак, бу шеърнинг яратилишида шоирнинг шахсий кечинмалари, адабиётда собит оёққа туриш машаққатлари, шу билан бирга, башариятнинг зада кўнглига, заха ярасига даво излаш истаги турибди. Шеър ҳажман катта бўлиб, мавзу, замон ва макон ифода талабига кўра бўлимларга ажратилган. “Юзма-юз” орқали шоир бутун инсоният тарихи, давлатларнинг пайдо бўлиши ва таназзули, ижтимоий формациялар, ўзгаришлар даврида одамлар бошига тушган роҳат, машаққатларни ифодалаган. Бинобарин, турли давронларнинг мудҳиш фожиаларида тобланган инсон тақдири, омон қолганларнинг ҳеч бўлмаганда руҳиятидаги синиқлар лирик қаҳрамон овозида жаранглайди. Шеърда акс этган асрлар силсиласини тасвирлар экан, шоир ваҳший оломоннинг давомчилари борлигидан ғамгин бўлади. “*Бироқ ҳали бордир шайтонга ўртоқ*” – дея ижодидаги инсоф, комиллик ғояларига етишиш қийинлигидан сўз очади. Бу шеър инсонпарварлик, ватанпарварлик, некбинлик, келажакка умид ҳислари билан тўлиб-тошган. Йирик асарнинг кейинги қисми асар мантикий композициясига кўра, макроборликдан микромаконга – шоир юртига бағишланган.

Шоир “гўзал” сўзини фақатгина мукамалликка нисбатан қўлламайди. Унинг наздида “гўзаллик” жуда кенг тушунча. Шунинг учун “**гўзал баҳор**” (“Баҳор”, 1959 й.), “**гўзал кунлар**” (“Ҳали олдиндадир гўзал кунларим”, 1960 й.), “**тонг гўзаллиги**” (“Шафақ”, 1960 й.), “**гўзал тим қора оқшом**” (“Куз хаёллари”, 1962 й.), “**гўзал замона**” (“Юзма-юз”, 1964 й.), “**гўзал сўз**” (“Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!”, 1964 й.), “**гўзал изтироб**” (“Қўйгил, у кунларни эслатма менга”, 1967 й.), “**гўзал туйғулар**” (“Хотирот”, 1969 й.), “**гўзал жулдур қисмат**” (“Тириклик”, 1986 й.), “**гўзал маъво**” (“Ўзбеклар”, 1985 й.) каби мутлақо бир-бирига зид тушунчаларга нисбатан ҳам санъаткорона қўллайди. Шоир поэтик маҳорати руҳий ҳолатнинг қорамтир, тушкун жиҳатларини ҳам оқ ва ёрқин буёқлар орқали уйғунлаштира олишидадир.

Шоир ижодидаги поэтик образлар бевосита ижодкор тафаккури билан боғлиқ бўлиб, миллий ва умуминсоний моҳиятга эга. У муаллифнинг одам болалари бутунлигини, иймонини, диёнатини, инсофини, ватанпарварлигини тўлақонли асраб қолиш истаги, ижодкорлик миссияси билан белгиланади.

Бобнинг “**Ватан ва халқ образларининг поэтик янгиланиши**” деб номланган иккинчи фаслида шоир шеъриятидаги етакчи мавзулардан ҳисобланган Ватан ва халқ образи ўрганилган. Абдулла Орипов бадий ижод оламига кириб келган илк даврлардаёқ она табиат, туғилиб ўсган маскан, мағрур тоғлар, шарқироқ дарёлар, сокин сойлар тасвирини қаламга олди. Шоирнинг илк шеърлари вақтли матбуотда 1958 йилдан эълон қилина бошлаган. Бу пайтда ёш ижодкор атиги 17 ёшда эди. Шоир туғилиб ўсган қишлоқ қадимий тарихга эга бўлиб, тоғлар билан туташган манзилда жойлашган. У ўзига илҳом берган омилларни айнан шу даргоҳдан топади:

Тоғлар қўйнидадир менинг қишлоғим

Чўққилари оша кўринар олам.

“Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеъри ёзилганда Абдулла Орипов эндигина 23 ёшни қарши олган эди. Ушбу шеърда миллат тарихи бутун кўлами билан акс этган. Халқимизнинг буюк ижодкорлари, алломалари, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари улуғ фарзандлари сиймоси, табиий бойликлари, географик жойлашуви, бетакрор табиати ҳақида кенг қамровли фикр юритилади. Ижодкор она юртга бўлган севгиси сабабини қидириб, ўз-ўзига савол беради.

Шоир умри давомида гоҳ ижодий, гоҳ хизмат сафарлари билан кўп давлатларга саёҳат қилди. Лекин ўзи мисраларида таъкидлаганидек, сафар таассуротлари билан боғлиқ ҳар бир шеърда энг аввало юрт меҳри, Ватан тимсоли ўз ифодасини топган. Масалан, “Сан-Францисколик талаба билан суҳбат”, “Лос-Анжелос кўчаларида”, “Икки Америка”, “Осиё маркази” шеърлари ушбу фикрни тасдиқлайди.

Шоирнинг самимиятга йўғрилган, сатрлар ботинида ҳаётгий фалсафани акс эттирган шеърлари ўқувчини мафтун қилади, ўйлашга ундайди. Она Ватаннинг ёрқин тимсоли бетакрор тасвирланган халқчил, самимий сўзлар, сохта жимжимадорликдан холи фалсафий хулосалар ҳикматга йўғрилган шеърятнинг бадий-эстетик асосларидир. Бу ижод билан танишган сари киши руҳи тозариб, қалби равшанлашади, ўзлиги ва олам синоатларини теранроқ англайди, атрофидаги воқеликдан айрича мазмун топади.

Абдулла Ориповнинг сафар хотиралари ўзбек адабиётига бетакрор бадий хазиначилар бўлиб қўшилди. Масалан, Япония сафари таассуротлари натижасида туркум шеърлар, Женева табиати ва инсонлари акс этган лирик асарлар, Ҳаж дафтари, уммон орти таассуротлари ифодаланган ашъорлар шулар жумласидандир. Лекин у ўз юртининг фарзанди сифатида дунёнинг энг мухташам биноларию муаззам тарихини чуқур ҳурмат қилгани ҳолда, энг аввало она Ватан меҳрини барчасидан устун билди.

Мўъжиза ахтарсанг, юрмагил гангиб,

*Яхшиси, Сурхоннинг тоғларига бор.
Симобий печ билан бошини танғиб,
Сени қарши олар сеҳрли Ҳисор.*

Шоир она халқини севди, унинг учун Ватан тақдири доимо шахсий масалалардан баланд турди. Баъзан қарама-қарши фикрлар гирдобада қолгани ҳам рост: *Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан? Нечун томошага бунчалар ўчсан?* – дея халқ даражасига кўтарилмаганидан ранжиган бўлса, бирда: *“Юлдузлар, билмайсиз менинг халқимни, Бундайин заҳматкаш ер юзида кам. Елда тиним бордир, унда йўқ тиним, Шундай ишпарастдир у мунисгинам”*, дея уни кўкларга кўтаради. Абдулла Орипов “Танланган асарлар”и 1-жилдининг ўзида айнан “халқим” ибораси турли шеърларда 61 маротаба такрорланган. Шоир шеърларида лирик қаҳрамон хурсанд ва ғамгин чоғларида ҳам халққа мурожаат қилишдан бир зум тўхтамайди. Йиллар давомида шоир халқ дардини куйлаган, ундан бир зум узилмаган бўлса-да, баъзан тасаллига муҳтож паллаларда халқнинг мададини қидириб қолади.

Бобнинг сўнги фасли **“Шоир поэтик тафаккурининг статистик ва психобиографик тадқиқи”** деб номланган. Муайян асарнинг яратилиши, тузатиш жараёнларидан ўтиб, ўқувчи қўлига етиб бориши бизга номаълум психологик, физиологик, мантиқий фикрлаш каби босқичлардан ўтади. Асарга энг аввало ғоя, кейин шакл ва мазмун танланади. Бу жараён ҳам ақлий эмас, балки ҳиссий-экспрессив ҳолат билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун шоир ёки ёзувчининг “сермаҳсул ижоди” замирида унинг руҳий ҳолатида содир бўлаётган қарама-қаршиликларнинг ўрни бекиёс. Қачонки, ижодкор энг аввало ўзи мансуб жамият қонун-қоидаларидан қониқмаса, янада мукамалликни истаса, ижодий жараён ҳам муттасил давом этаверади. Ҳар бир асар мустақил мавзу, ғоя ва мазмунни ўзида жамлайди. Лекин у бир ижодкорга тегишли бўлса, улар мундарижасида шоир ёки ёзувчининг руҳий таржимаи ҳоли – психобиографияси акс этмай қолмайди. “Психобиография” юнонча сўздан олинган бўлиб, маълум тарихий шахсларнинг таржимаи ҳоли ва шахсиятини психологик таҳлил қилиш усулидир. Бунда муайян шахс фаолиятидаги нуқталарни аниқлашда унинг руҳий омилларига алоҳида эътибор қаратилади. XIX аср охири – XX аср бошларида пайдо бўлган ушбу ёндашув асосида Леонарда да Винчи, Гёте, Руссо, Шопенгауер, Достоевскийнинг ҳаёти ва ижоди бўйича тадқиқотлар амалга оширилган³². Психобиография таҳлили психоналитиклар томонидан амалга оширилиб, шахснинг ғоя ва йўналишлари асосида иш олиб боради. Хорижлик психоаналитик Эрик Эриксон буюк шахслар, ижодкорлар психотарихий ҳаёти орқали улар

³² Белянин В.П. Основы психолингвистической диагностики. М.: Тривола, 2000.-248 с.; Erikson E.H. Life History and Historical Moment. N.Y., 1975.; Кольцова В.А., Холондович Е.Н. Воплощение духовности в личности и творчестве Ф.М. Достоевского. М.: Изд-во «Института психологии РАН», 2013. – 304 с.; Холондович Е.Н. Социально-психологические аспекты формирования и развития гениальной личности. Психология одаренности и творчества: монография / Под ред. проф. Л.И. Ларионовой, проф. А.И. Савенкова. М.; СПб.; Изд-во...: Нестор-История, 2017.; Холондович Е.Н. Феномен духовности гениев. Наука. Культура. Общество. М.: ИПСИ РАН. № 2. 2016.

шахсиятига баҳо берган. Бу усул психобиографик метод деб номланиб, назаримизда, бадий асарлар ёхуд ижодкорнинг бутун ижодини ўрганишда ҳам қўл келади. Ишда Абдулла Орипов психобиографиясини контент таҳлил орқали кўрсатишга ҳаракат қилинди. Бунинг учун шоир ижодининг турли даврларидаги асарлари ўрганилди. Баъзида катта-катта асарлар, масалан, достонлар ҳам ижодкор руҳиятининг кўзгуси сифатида ўқувчига ахборот узатиши мумкин. Бу ёндашув, биринчидан, ёзувчининг ижод динамикасини кўрсатса, иккинчидан, ижодий руҳияти тадрижининг тарҳини чизишда ҳам ёрдам беради. Контент таҳлил муайян ижодкор онгидаги маънавий, ахлоқий, эътиқодий, шахсий компонентларни тизимли ўрганади. Бу ижодкорнинг том маънодаги ижод йўлини биографик нуқталар кесимида тадқиқ этишга йўналтирилган. Чунки ҳар бир асарда қайсидир маънода шоирнинг ўзлиги, шеър яратилаётганидаги “кичик ҳаёти” мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Абдулла Орипов ижод йўли 10 йилликларни ўз ичига олган олти босқичга ажратилди.

1. 1958-1967 йиллар. Ижодий ҳаётнинг бошланиш нуқтаси. Шоир сифатида шаклланиш босқичи. Оилавий зиёли муҳитнинг таъсири, шахсиятидаги самимийлик, оддийлик хусусиятлари яратган бадий образлари динамикаси билан узвий боғлиқдир. Шоир лирикасида “қушча” образи ва лексемаси 8 марта, “юлдузлар” 74 марта, “учқун” 8 марта қўллангани кузатилади. Яъни ижодкор табиат ва унинг унсурлари билан ошно тутинган. Сувнинг шилдираши, юлдузнинг чақнаши, қушчанинг жонсараклиги унинг ёш юрагига олам-олам завқ беради. У ҳали одамзоднинг найранглари, ҳасаднинг қутқулари, камситилишларга учрамаган покиза қалб. Шунинг учун шеърларида ёруғлик, ишонч, муҳаббат бор.

2. 1968-1977 йиллар. Ижодий юксалиш босқичи. Шоир шахсияти, руҳиятидаги қарама-қаршиликлар даври. Онасининг вафоти таъсири. Бу ўн йилликдаги асарлар таҳлили натижасида шоир дунёқарашидаги одамларга ишонч, уларни севиш туйғуларининг ишончсизлик ва нафратга айланиши, ижодкорнинг ёлғизланиши ҳолатлари кузатилди. “Онажон”, “Сароб”, “Табиат”, “Баҳор”, “Созим”, “Биринчи муҳаббатим”, “Кетмоқдаман”, “Руҳим”, “Номаълум одам”, “Ёлғизлик”, “Тафаккур монологи”, “Маломат тошлари”, “Йиллар армони” каби йирик дастурий асосга эга, поэтик жиҳатдан мукамал, пухта фалсафий хулосаланган асарларнинг яратилгани ушбу фикрни тасдиқлайди. Яъни шоир ҳаётидаги ўзгаришлар, онасининг вафоти, оила қуриши, фарзандлар туғилиши, пинҳона ҳужумлар гирдобиди ёлғиз қолганда тушкунликка тушиши ва ўз навбатида, ижоддан куч олиши жараёни таҳлил этилди. Шоир психобиографиясида бу инқироз ва марралар ҳаётининг белгиловчи, руҳиятининг тетиклантирувчи омилига айланди. Бу эса, ўз навбатида, шоирнинг шахс сифатидаги қарашлари қатъийлашувига олиб келди ҳамда янги бадий образ, тасвирларга бой манба берди. Бу даврга келиб, шоирда ўзига, ижодий потенциалига ишониш ҳисси ўсди. Шунинг учун ҳам

“Созим” шеърида “Мен шоирман, истасангиз шу...” тарзидаги ижод концепцияси акс этди.

3. 1978-1987 йиллар. Жамият ва айрим одамларга хос салбий жиҳатлардан озурдалик. Курашишга ёлғизлик қилган ижодкор руҳиятидаги драматизмнинг хасталик олиб келиши. Бу жараённинг шеъриятида акс этиши. “Кўриқхона”, “Учинчи одам”, “Илтимос”, “Оломонга”, “Қирқ ёш”, “Хайрлашув”, “Мени олиб кетинг”, “Савоб”, “Тиланчи бола”, “Кўзгу парчалари”, “Менга ҳаётни бер”, “Диалектика”, “Бемор ва табиб” каби шеърларида шоир олам ва одам муносабатларидаги мувозанатсизлик, ҳаётнинг шафқатсиз саҳналарга бой драмасидан руҳан эзилади. Виждон, иймон, инсоф каби туйғуларни қидиради.

4. 1988-1997 йиллар. Истиқлол орзуси. Мустақиллик неъматига шукроналик мотивлари. “Ҳаж дафтари” туркумида диний-маърифий қарашларининг акс этиши. Шоир ижод билан бир қаторда масъул лавозимларда ҳам фаолият олиб борди. Хизмат вазифалари билан турли хорижий давлатларда сафарларда бўлди. “Женева дафтари” туркуми ана шу давр маҳсулидир. Лекин шоир ўз-ўзи билан ёлғиз қолганда, руҳиятининг асл чизгилари бўй кўрсатаверади. Юрт мустақил, ҳамма шод. Лекин шоирнинг ҳасратлари ҳали тугаган эмас. У дунёни мукамал кўрмоқ истайди, одамларнинг расо бўлишидан умидини узмайди. Бунинг тескарисини кўрганда руҳан эзилади:

Ҳеч ким ҳасратимга қулоқ солмади,

Руҳимни бирор зот англай олмади.

Бунда қиладиган ишим қолмади,

Аллоҳим, оқ йўл бер, кетар чоғимда.

5. 1998-2007 йиллар. Ижодий етуклик палласи. Ижтимоий фаолиятдаги инқирозлар даври. “Ўзбек бойининг баёноти”, “Бир қарасам”, “Шоир юраги” шеърлари замирида ижодкорнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ жиҳатлар ўрганилди.

6. 2008-2016 йиллар. Ижодининг сермахсул даври. Дунё, ҳаёт, одамларга кескин муносабат. Танқидий таҳлилнинг устуворлиги. Лирик кечинманинг руҳият билан боғлиқ омиллари. Видолашув мотивлари. Руҳияти ва ижодий ғоясида иймон, ўлимга чора йўқлиги, жаннатдан умидворлик ғоялари биринчи ўринга чиқади. Шоир табиатида ҳам, шеърларида ҳам Яратганга топиниш, мурожаат кўп учрайди. Масалан, адабий меросидаги лексемалар статистикаси таҳлил қилинганда, Яратганга юзланиш ҳолатлари 303 марта кузатилди. Яъни, Худо сўзи 159 марта, Аллоҳ сўзи эса 144 марта қаламга олинган. Бу – тўғридан-тўғри қўлланилиш ҳолати. Бундан ташқари Яратган, Яратган Эгам, Халлоқ, Қодир каби лексемалар ҳам тез-тез ишлатилган. Ҳар бир сўз ўз ўрнида қўлланилган бўлиб, бу эътиқодий тушунчаларнинг муҳим атрибути сифатида намоён бўлади. Шоир адабий мероси таҳлил этилганда, Она образи ва сўзи 1092 ҳолатда, гўзал ва гўзаллик тушунчаси 137 маротаба, ҳасад 74, ҳасадгўй образи 23 марта, ҳаёт тушунчаси 389, иблис сўзи 52, шайтон эса 87 ҳолатда,

умумий эса 139 марта қаламга олингани аниқланди. Ана шу категориялар таснифланганда, шоир қадрлаган энг олий туйғу Она экани, кейинги ўринда ҳаётни севгани маълум бўлди.

Шоир 1958-2016 йилларда жами турли жанр ва банддан таркиб топган 1325 та шеър, 6 та дoston, 27 та ғазал ёзгани аниқланди. Бундан ташқари, унинг “Шоирнинг туғилиши” туркуми ва шахсий архивида сақланаётган турли даврларда ёзилган шеърлари, мақола ва нутқлари, мактублари ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясининг ўнлаб вариантлари мавжуд бўлиб, улар алоҳида тадқиқотлар учун манба бўлади. 2008-2016 йиллар шоир ижодининг энг сермахсул даври экани аниқланди. Бу даврда Абдулла Орипов 500 дан ортиқ шеър, ғазал ва дostonлар ижод қилган.

ХУЛОСА

Ўзбек адабиёти мавзу ва жанр кўлами жиҳатидан ҳам, фалсафий моҳиятнинг поэтик инъикосига кўра ҳам юксак адабиётдир. Бир томондан, халқ даҳоси ва мумтоз адабиётдаги анъаналарнинг янгиланиши, иккинчи томондан, жаҳон адабиёти тажрибаларининг таъсири натижасида миллий адабиёт бетакрор асарлар билан бойиб борди. Бу фазилатлар буюк сўз санъаткорлари асарларида, айниқса, яққол намоён бўлади. Абдулла Орипов ана шундай буюк ижодкорларнинг олдинги сафларидан жой олишга муносиб шоирдир. Ижодкор адабий меросини комплекс ўрганиш, шоир шахсияти, руҳияти, дунёқараши билан боғлиқ бадиий-эстетик омилларни тадқиқ қилиш муҳим илмий натижаларга олиб келади. Абдулла Орипов асарлари нафақат ўзбек адабиёти, балки миллат тарихи, менталитети, кадриятлари, ўзига хос хусусиятларини ҳам аниқлашда муҳим манба бўла олади. Шоир шеърлятида поэтик тафаккур тадрижга доир ушбу тадқиқот натижаларидан қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. Абдулла Орипов шахсияти ва ижоди ўзбек адабиётида феноменал аҳамиятга эга. У ўзидан олдинги шоирлар ва шеърлар майдонида туриб, миллий адабиётга янгича руҳ олиб кирди, янги шеърлятни бошловчиларидан бири бўлди.

2. Шоир энг аввало оила муҳитида адабиётга меҳр қўйиб улғайган. Дастлабки асарларида туғилиб ўсган муҳитнинг ўзига хослиги, халқона кадриятларнинг устуворлиги, самимият туйғуларининг таъсири яққол сезилади. Шу билан бир қаторда, тафаккур тарзи, кенг дунёқараш ва табиатидаги ҳақиқатгўйлик таъсири шеърлий асарларининг бадиий-эстетик қимматини оширди.

3. Лирик қаҳрамон тушунчаси, шоир билан уйғун ёки айро жиҳатларини аниқлаш мушкул жараёндир. Негаки, шоирнинг индивидуал хусусиятлари, таржимаи ҳолидаги муҳим нуқталар лирик қаҳрамон табиатида ҳам акс этиши мумкин. Чунки лирик қаҳрамон ижодкорнинг асл мақсадини, эстетик идеалини намоён этади. Абдулла Орипов лирик қаҳрамони ҳам йиллар синовида тобланиб, қарама-қаршиликлар жараёнида юксалиб борди.

4. Шоир “мен”ини, характерини англаш, руҳият иқлимларини тўғри прогнозлаш учун у қўллаган барча лексемаларнинг ўз ва кўчма маъноларини диққат билан ўрганиш лозим. Шундагина шоирнинг инсоний ва ижодий қиёфасини тўлақонли кашф этиш мумкин. Йиллар давомида ижодкор табиатида содир бўладиган ўзгаришлар, руҳиятидаги динамика асарлари табиатини ҳам белгилайди.

5. Абдулла Орипов ижодида қўлланилган ҳар бир образ замирида фалсафий дунёқараш, олам ва одам мувозанатини қиёслаш, фикрлаш тарзи, ижодий концепцияси каби бадиий-эстетик омиллар туради.

6. Шоир сўзга жуда катта масъулият билан қараган. Шеърларида қадимги туркий сўзлардан унумли фойдаланган. Халқ жонли тили, шевага хос сўзларнинг истифода этилиши орқали миллий руҳиятни бетакрор ифодалай билган. Бу эса, ўз навбатида, шоир поэтик тафаккури такомилида алоҳида ўрин тутди.

7. Абдулла Орипов лирик, лиро-эпик, драматик тур доирасида бир неча жанрлардан фойдаланди. Шоир адабий меросида ғазал намуналари ҳам кўп. Жумладан, 23 та ғазал ва бир нечта рамалда ёзилган шеърӣй шакллар учрайди. Ғазаллар турли йилларда яратилган, лекин энг кўпи 2011-2013 йилларга тўғри келади. Бу шоир руҳиятидаги драматизм, саломатлигидаги ҳолатлар билан боғлиқдир.

8. Шоир ижоди мобайнида бир неча шеърӣй шаклларда асарлар ёзди. Асосан тўртлик, олтилик, саккизлик, баъзан иккилик кўринишидаги шеърлар ҳам учрайди. Ижодининг камолот палласида учлик шаклида ўзига хос ифода йўсинига эга асарлар ҳам яратди. Шеърларида ранг ва оҳанг мутаносиблиги, руҳиятнинг турли қирралари жилваланди.

9. Шоир адабий меросидаги лексемалар статистикаси таҳлил қилинганда, Яратганга юзланиш ҳолатлари 303 марта учраши маълум бўлди. Яъни, Худо сўзи 159 марта, Аллоҳ сўзи эса 144 марта қаламга олинган. Бу тўғридан тўғри қўлланилиш ҳолати. Бундан ташқари Яратган, Яратган Эгам, Халлоқ, Қодир каби лексемалар ҳам тез-тез ишлатилган. Ҳар бир сўз ўз ўрнида қўлланилган бўлиб, бу эътиқодий тушунчаларнинг муҳим атрибути сифатида намоён бўлади.

10. Шоир адабий меросида Она образи ва сўзи 1092 ҳолатда, гўзал ва гўзаллик тушунчаси 137 мартаба, ҳасад 74, ҳасадгўй образи 23 марта, ҳаёт тушунчаси 389, иблис сўзи 52, шайтон сўзи 87 ҳолатда, умумий эса 139 марта қаламга олинган. Ана шу категориялар таснифлаганда, шоир қадрлаган энг олий туйғу Она экани, кейинги ўринда ҳаётни севгиси туриши аниқланди. Таснифнинг кейингисида эса иблис сўзи бўлиб, бу орқали реал тушунча ва унинг хусусиятларини ташувчи одамлардан задалик мотиви кучли ифодаланган. Кейинги ўринда эса, гўзал ва гўзаллик категорияси туради. Бу асосан шоир ижодининг дастлабки йигирма йилига тўғри келади. Бора-бора шоир гўзаллик деганда бошқа фазилатларни назарда тутди бошлайди. Ҳасад ва ҳасадгўй образига ҳам кенг тўхталган бўлиб, турли йилларда, турли вазият ва шеърларида жами 74 марта қаламга

олади. Бу унинг онг ости узатмалари бўлиб, шоирнинг психобиографик харитасини намоён этади. Яъни мазкур тушунчаларнинг вужудга келиш частотаси муаллиф онги ва руҳияти динамикаси макони билан боғлиқдир.

11. Шоир қайғу ва қувончини, ҳасратини доим ҳам очик ёзган эмас. Шунинг учун шеъриятида “кема”, “поезд”, “вокзал”, “почта қутиси”, “ташландиқ вагон” каби атрибутларда асар мазмун-мундарижасига маҳорат билан сингдирилган руҳий ҳолат тасвири мужассам топган. Ижодкор баъзан кўнгли тўлмаган ҳолатларни кучли иронияни халқано оҳанг, ҳазил пардасига ўраб тасвирлайди. “Ўзбекчилик” цикли ва бошқа айрим тўртликларига киноя, юмор сингдирилгани ҳам буни тасдиқлайди.

12. Абдулла Орипов уч драматик ва уч лиро-эпик достони билан замонавий дostonнависликка муносиб ҳисса қўшди. “Жаннатга йўл”, “Соҳибқирон”, “Ранжком” драмаларида шоирнинг олам ва одамга доир фалсафий қарашлари, тарихга муносабати гоҳ абстракт маконда, гоҳ тарихий фонда, баъзан рамзлар воситасида тақдим этилди. “Ҳаким ва ажал”, “Истиқлол манзаралари” дostonларида эпик мазмун маҳорат билан поэтик талқин этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ Dsc.03 / 30.12.2019.Fil.19.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ
ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**

**ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

ДАВЛАТОВА АДИБА РАХМАТОВНА

**ЭВОЛЮЦИЯ ПОЭТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ В ПОЭЗИИ
АБДУЛЛЫ ОРИПОВА**

10.00.02- Узбекская литература

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ
НАУК (DSc)**

Ташкент – 2022

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.3.DSc/Fil237.

Диссертация подготовлена в Чирчикском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Ученого совета (www.navoiy-uni.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:	Жабборов Нурбон Абдулхакимович доктор филологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Милюев Сувокул доктор филологических наук
	Каримов Баходир Нурметович доктор филологических наук, профессор
	Афокова Нодира Махмудовна доктор филологических наук
Ведущая организация:	Ташкентский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 в 2022 году «03» 02 в 12:00 (Адрес: 100100, Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Ходжиба, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz); электронная почта: monitoring@navoiy-uni.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (регистрация № _____). (Адрес: 100100, Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Ходжиба, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz.)

Автореферат диссертации распространен «03» 02 2022 года.
(Протокол реестра № 02 «03» 02 от 2022 года).



Ш.С.Сирожидинов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
филологических наук, профессор

К.У.Пардаев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
филологических наук, доцент

У.Х.Журакулов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор филологических наук, доцент

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировой литературе проводятся обширные исследования творчества феноменальных авторов той или иной нации, их вклада в развитие национального и мирового художественно-эстетического мышления, литературного наследия, идей общечеловеческого значения, творческой лаборатории. В частности, комплексное исследование эволюции поэтического мышления поэтов и писателей, произведения которых признаны явлениями в узбекской литературе, отражают самобытность нации, их литературно-этическая, нравственная и творческая концепция определяет направление литературы следующего периода.

Тюркские народы, в том числе узбекская литература, занимают особое место в оглавлении мировой литературы. Это литературное повествование так же древнее и богато, как история народа. История тюрков, их образ жизни как народа и государства, их образ мышления, иногда спокойный, а порой противоречивый, безусловно, нашли отражение в литературе. Таким образом, образы, сформированные как облик народа, линии эмоциональных переживаний, мечта о свободе и совершенстве, стремление к Истине и Правде, призыв к спасению человечества, закрепились как основные черты национальной литературы. Кроме того, в результате использования опыта мировой литературы использование новых типов и жанров в узбекской литературе создало основу для изменения характера произведения.

Узбекская литература обновлялась на основе национального и мирового художественно-эстетического опыта, а также через произведения поэтов и писателей, вошедших в сферу творчества в соответствии с требованиями времени и пространства. Особенно, подавление редких талантов в начале двадцатого века затмило развитие национальной литературы. Позже насильственное усвоение различных «изм»ов в природе литературы привело к лукавству и лозунгам-призывам. Литература была удалена от задач отражения реальной жизни, человеческой души и выражения искренности. Но даже в этом случае настоящий талант проявился. В частности, в 60-е годы прошлого века, когда в литературе царил дух лозунга «Да здравствует!», такие талантливые поэты, как Эркин Вахидов и Абдулла Орипов подняли художественно-эстетическое мышление нации на новый уровень. Особенно в поэзии Абдуллы Орипова национализм, изображение человека в разных ракурсах, в разных образах, жанрах и символах поднялось до уровня главного литературного критерия. Потому что «Абдулла Орипов был редким талантом, который поднял узбекскую литературу на новый уровень. Его высокохудожественные, глубоко философские стихи глубоко укоренились в сердцах людей. Его драматические и публицистические произведения, былины и переводы внесли большой вклад в развитие нашей литературы. Как автор государственного гимна Республики Узбекистан Абдулла Орипов навсегда

останется в сердцах нашего народа»³³. С этой точки зрения необходимо оценить феномен Абдуллы Орипова, динамику развития поэзии, поэтического мышления посредством художественного, сравнительно-типологического, философского, психобиографического, статистического анализа.

Объем темы стихов Абдуллы Орипова, образы и жанры, использованные поэтом, комплексное изучение нововведений в литературе обеспечивают актуальность диссертации. Ведь лирика поэта – особый период в истории народа и общества, как художественное отражение эстетического идеала в развитии художественно-эстетического мышления узбеков. В связи с этим комплексное изучение сущности лирики поэта, воплощающей его личность и талант, научно-теоретическая экспертиза лаборатории творчества, научная оценка эволюции поэтического мышления являются важными проблемами современной литературы.

Это диссертационное исследование в определенной степени служит для выполнения задач, изложенных в следующих указах и постановлениях: Указ Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2019 г. № УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка», Постановления Президента Республики Узбекистан от 17 февраля 2017 г. № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», от 20 апреля 2017 г. № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», от 13 сентября 2017 г. № ПК-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения», от 2 декабря 2020 г. № УП-4906 «О широком праздновании 80-летия со дня рождения Героя Узбекистана, Народного поэта Узбекистана Абдуллы Орипова», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 16 февраля 2018 г. № П-124 «О проведении международной конференции на тему об актуальных вопросах изучения и популяризации за рубежом узбекской классической и современной литературы», а также других нормативных актов, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетами развития науки и технологий республики «Социальное, экономическое, культурное, духовное и образовательное развитие информированного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации. Вопросы интерпретации поэтического мышления по форме, содержанию и образу в

³³ Мирзиёев Ш. Одамлар яхши яшаши учун зарур шароитлар яратиш – барча рахбарларнинг асосий вазифасидир // Халқ сўзи, 2017 йил 28 февраль.

современной поэзии обсуждаются в ведущих мировых центрах науки и образования, в частности, в Университете Анкары, Стамбульском университете (Турция); Оксфордском, Кембриджском университетах (Великобритания); Алигархском мусульманском университете, Делийском университете (Индия); Институте литературы имени Низами Национальной Академии Наук Азербайджана (Азербайджан); Санкт-Петербургском институте восточных рукописей (Россия); Институте востоковедения им. А.Крымского АН Украины (Украина); Институте языка, литературы, востоковедения и письменного наследия имени Рудаки (Таджикистан); Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Узбекистана, Национальном университете Узбекистана, Ташкентском государственном университете востоковедения, Самаркандском государственном университете, Бухарском государственном университете, Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои³⁴.

Теоретические исследования влияния таких вопросов, как художественная интерпретация и современный образ глобализации, сатирическая критика глобальных этических и философских проблем на развитие творческого поэтического мышления, проводятся в мировой литературе (Оксфордский университет, Стамбульский университет, Университет Гази, Институт литературы имени Низами Национальной Академии Наук Азербайджана, Институт языка, литературы, востоковедения и письменного наследия имени Рудаки, Институт узбекского языка, литературы и фольклора, Ташкентский государственный институт востоковедения, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы).

В мировой литературе важно обращать внимание на развитие поэтического мышления социальной действительности и, в свою очередь, влияние творческого мышления на духовное развитие общества, роль национальной психики в развитии поэтического содержания, вопрос индивидуального творческого мышления, философской и психобиографической основы в обновлении поэтической формы.

Степень изученности проблемы. В мировой литературе произведения, служащие литературе, духовности человека и общества своим содержанием и высокой поэтичностью, стимулирующие обновление художественного мышления, всегда были в центре внимания литературоведов. Пока произведение, созданное на определенной

